

РАВШАН РАЖАБОВ

ҲҶ АВЛОД



РАВШАН РАЖАБОВ

УЧ АВЛОД

ШЕЪРЛАР

ТОШКЕНТ – 2015

Мухаррир:	Шукур Содик
Бадний муҳаррир:	Зафар Сиёев
Мусаввир:	Нозимхўжа Абдусаломхўжаев
Техник муҳаррир:	Раҳмонкул Ҳайдаров
Саҳифаловчи:	Дурдона Исроилова

ИСТАЙДИ

Оппоқ қорлар эриб, тарновдан оққанда
Булутлар кетиб, куёш кулиб боққанда
Келинлар шошиб ўчоққа ўт ёққанда
Айтсам, эй дўст! Кўнгил ором истайди.

Сумалаклар секин, томчилаб оққанда
Ердан кетмай, зах майсалар ниш урганда
Кўксимда армон, кўз ёш бўлиб оққанда
Айтсам, эй дўст! Кўнгил ором истайди.

Бир мисра байт, қоғоз юзин кўрганда
Севикли ёрим заҳар-захмин сочганда
Чўчиб набирам, қора кўзин очганда
Айтсам, эй дўст! Кўнгил ором истайди.

Оромга шошмагин дейди, қандайдир куч
Билсамда бир ўлим, мангу оромга ўч
Мангу оромим бўлмайди ҳеч қачон кеч
Айтсам, эй дўст кўнгил ором истайди.

ДИЛДОР

Қанча айтолмаган гапларим бор
Ёшликда айтишга қилгандим ор
Ҳозирги, ақлим бўлганда эди
Иккиланмай ишқим баён, этардим минг бор.

Балким, сен ҳам эсларсан Дилдор
Хотиралардан маст, кўзлари хумор
Юрагимиз, гупиллаб уриб турибди
Тирикмиз, ҳали суҳбатга вақт бор.

Кел! – Унут! Энди ўпка-гинани
Бир жуфт юлдуз бўлиб ёнайлик
Эслашсин биздай шўрликгинани
Муҳаббат боғида, дoston бўлайлик.

12.01.15 й.



ШУКР

Берилган умр, билсангиз ғанимат
Суз, олов, тупроқ, хизматда беминат
Билсангиз, ҳар бир ўтган кунингиз
Оллоҳим берган, олий неъмат.

Ҳар тонгда чиққан қуёшнинг
Юзига боқиб этайлик шукр.
Нур туфайли келган қуёшнинг
Жилвасига тушмайлик зикр.

10.12.14 й.

ТИЛАГИМ

Мени кузатишмоқчи нафақага
Ёшлар ажратиб, синфий табақага
Эмиш-ким, кексайиб қолганмишман
Уларга, кўп ғавго солганмишман

Баъзида кўп насиҳат қилармишман
Билиб-билмасдан, жонга тегармишман
Майлига, хафа эмасман, билсангиз
Розиман! давринг кетган, деб кулсангиз.

Бу кунларга егганлар бор, дунёда.
Етолмасдан кетганлар бор, пиёда.
Ёлғиз тилагим сизга, шогирдларим
Ёшгина умрингиз бўлсин зиёда.

4.03.15 й



КЕЛИН

Дорга кирни ёйди келин.
Юз мақомга солиб белин
Хаёл гирдобига чўмди
Белга қўйиб нозик қўлин.

Қўзин ўпар, соч толаси
Абгор, киприклар ноласи
Келин дейди уни ҳамма
Йигит бўлса ҳам боласи.

Хатто, қўппак ҳам билади
Келин юрса, у юради
Келинойи буюрса бас
Қун бўйи тинмай ҳуради

Хурмай кўрсин, эҳ-кани
Қувиб солар эри Ғани
«Келин» айтганин қилмоқлик
Айтсам сизга, оила шаъни.

4.04.2013 й.

* * *

«Даҳо»лар беришса, кимгадир баҳо
Танламайди керакли, кераксиз соҳа
«Омади» келиб ташланса гар қўзга
У ҳам бўлиб қолади тезда даҳо.



БЎЛДИММИ!

Эринг келганда ўт-олов пуркадинг
Кўйлагинг кир бўлди дея силкадинг
Шунчалар ҳам ношуд бўласанми,
- Деб, юрак-бағрин, аёвсиз йилқадинг

Ичадиган бир пиёла чойни ҳам
Заҳар-зуғим ила роса сийладинг
Таому туз туғрисида ҳеч гап йўқ
Барин эса булғаб, сароб айладинг

Боқиб сени, гўзал қошу-қўзинга
Ёйдек, эгилган, кунларим эсладим
Тонга қадар тўймасдан бол-қўзинга
Бургутдек учган, онларим эсладим

Ўтиб ойу йиллар, ёмон бўлдимми,
Кераксиз бир уюм, самон бўлдимми.
Эринг эдим, қаддим сарв чоғида
Оппоқ кўйлагим кир, ёмон бўлдимми.

Нима десанг дегил, майлига хоним
Фақат йиғлатма дил, хастадир жоним
Не сабаб билмадим, совиб бормоқда
Танамдаги оташ-у, иссиқ қоним.

УМР

Ўтган умрни эслама
«Умр»да сабр-тоқат йўқ
Ёд,этиб уни қийнама
Унда қабр, хилхона йўқ

«Умр»-гўё, унсиз оғу
Ўтгувчи ҳаво-ю ашк
Уч дона ҳарф, бор йўғи
Қара!-Умид. Макон.Рашк.

1.05.14 й.



АЖИНЛАР

Кеча қошу кўзимда эди ёшлик
Дилу, оху-зоримда эди ёшлик
Бўрондек уфуриб, тўфондек тошиб
Тани-жону, қонимда эди ёшлик.

Бу кун эса, олис кетди ўзимдан
Нуру-кувончини ўғирлаб кўзимдан
Хайрона бўлдим, бокиб тош ойнага
Ажинлар, макон топибди юзимдан.

Хотирада. Ёшликнинг ширин они
Эҳ, кўпаймоқда ажинларнинг сони
Ёшлик, тирнар экан, ҳар лаҳза қалбни
Қулай деса, одамзоднинг макони.

ЭЙ ДЎСТ

Қорлар ёғиб, босилди излар,
Шодланди, намланган кўзлар.
Баҳор келиб, ясанди қизлар
Яна уйғноди армонли излар.

Эй, дўст дардимни кимга айтай
Ёки майдан паноҳ излайми
Қай бир гўшадан ором топай
Ё, арвоҳдек ёлғиз бўзлайми

Саволлар қийнайди жавобсиз
Тинглаб ёр, деганди одобсиз
Бебаҳо гуллардек топиб хазон
Мағрурлигим йўқолди изсиз.

Эй, дўст ўтмиш гўё эртақдек
Яна уйғонди, илк куртақдек
Панд берди менга губорлигим
Армондаман, айтсам, гўдақдек.

01.04.2013.



ЖАНОН

Ҳижронда жоним бўғзимга келди жанон
 Сўзларимни тингла бир нафас хоҳла инон
 Қалбимни макон айламоқда, гоҳида гумон
 Нега олиб қочасан кўзларингни яна жанон.

Мен тирикман тирикдир жумла-ю жаҳон
 Ҳолимга бокиб, булутлар йиғлайди гоҳан
 Яширсамда элу-улусдан ишқимни баъзан
 Лек! – тутолмайман ишқим, сендан пинҳон.

Кўз ёшларимдан жиққа лой бўлди тупроқ
 Тупроқнинг гарди, кипригимга бўлди қўноқ.
 Гоҳида умрим сарварақларин варақлаб
 Дейман! – Бунча ишқ бобида бўлмасам нуноқ.

1.01.2015 й.

КЕЧИНМА

(З.М.Бобур таваллуд кунига)
 «Кўп хатолиғ бўлди», - деб ўғлон
 Ҳинд тупроғин кучди ўша он
 Киприклар намланиб кўз ёшдан
 Ватан, дардида чекди фиғон.

Туғилиб ўсган ватан тафтини
 Босолмади на Ҳинд на Авғон
 Омин! – деб ёйганда кафтини
 Қалбида уйғонди кучли тўфон

Интилиб ушалмас орзуга
 Баъзида тикилиб кўзгуга
 Ўз юртида, қулликни истаб
 Берилмай, подшолик туйғуга

Тутиб қалам, қилич ёй, камон
 Ўз юртини қилмаган нишон
 Истиқлолга эришилган он
 Шоҳ Бобур руҳи топди макон.



ЁМҒИР

Тонг отгандан буён ёмғир ёғди тинмасдан
Кимдир кўчага чиқди, ёмғирни билмасдан
Қўрқа-писа бокди кўкнинг солғин қошига
Рўшнолик топмай, ёпди ёпинғич бошига

Йўлақларда сув, жилғалар тўпланар жўшқин
Вохмим келди, бўлмаса-дея катта тошқин
Сой сувларининг ҳам авжи жа бошқача
Гоҳан, жўшиб, гоҳ тиниб оқиши ўзгача

Қирғоқларни ювиб, тупроқларни кучоқлаб
Етиб борармикан бу сой харсанг тошгача
Билким етиб борар, билким йўқ, билолмайман.
Ивидим, ёмғирда, ёзмасам туролмайман.

1.03.13 й.

АЁЛ

Қучоғида бешик, кўзларда меҳр
Аллалар ноласида, сирли сеҳр
Одамзод наслининг пок иймони
Ўкситманг Аёлдек, буюк сиймони

Аёл борки, олам тинч, рўзгор тўқ
Олам аро аёлдек, нафис зот йўқ.
Жаннат боғининг тенгсиз вакили
Илоҳий зарга чўмилган кокили

Аёл борки, юлдузлар кўзин очгай
Аёл борки, ширин тонглар отгай
Аёл борки, орзулар қанот қоқгай
Аёл борки, оймомо кулиб боқгай.

Одамзод наслининг пок иймони
Йиғлатманг! –Аёлдек буюк сиймони.

10.02.2015 й.



ҚОР

Қўхна тоғларнинг елкасига қўнган қор
 Шиддат билан, заминни ҳам босиб олди
 Тилла япроқлар, қўринишга этиб ор
 Оқ тўшакни, устларига ёпиб олди.

Фаррошлар бўлиб лол, тутиб қўлда қурол
 Қорга боқиб, япроқларни излаб қолди.
 Фаррошларни довдиратган, бу қордан лол
 Япроқлар, замин қўксига ётиб олди.

Оппоқ, тўшакларга тутсам аста кулоқ
 Тўшакнинг тагида ёнар сирли чирок
 Катта-кичик, жонзодлар ғимирлаб юрар
 Жой йўқ уларга заминда, бундан чоғроқ.

3.01.15 й.

ДАСТХАТ

Боласиз бешикни тебратиб бўлмас
 Қўлда берилган донга, қушлар тўймас
 Самода қалдирғочлар чарх урмаса
 Айтсам, дўстлар баҳор, баҳордай бўлмас.

Келин келса-ю, ёр-ёр бўлмаса
 Дўсти ёр бирлашиб, гулхан ёқмаса
 Оламини ёндирган олов тафтига
 Тасаввур қилинг, гўзал ёр боқмаса

Келин янга қошин қоқиб куйласа
 Зулфин ёйиб Лазгисига ўйнаса
 Кимдир дилдан рўмол ҳадя этса-ю
 Андишали янга, нозланиб олмаса.

Қишлоқда бўлади мисли йўқ ғийбат
 Чойхонада одамлар қуради суҳбат
 Гап тарқалар зумда, келин янгаси
 Тарқатганмиш кимгадир сирли дастхат.

3.01.14 й.



* * *

Баъзида ўйланиб қоламан
Нима учун, шунча яшадим
Ёндим, куйдим, югуриб елдим
Гоҳ шўрва, гоҳ ошлар ошадим.

Нима қолар мендан. Зурриёт,
Ё ақл етмас фалакиёт
Йиллар ўтиб, замин кўксида
Ўғил-қизга бўламанми ёт.

2.03.13 й.

* * *

Ниҳоллар кузда тин топади
Қомати кишда муз қотади
Баҳор келса уйғониб яна
Чеккасига оқ гул тақади.

1.03.13 й.

* * *

Бир кўринмас заррача бўлиб
Майсалар кўксида юраман
Гоҳ, гиёҳ, гоҳ қоқигул бўлиб
Эшигинга қайтаман.

1.03.14 й.



ТОНГИ РЎЁ

Тонг чоғи, боғимда бир келинчак
Оқ матога ўраниб олибди
Гул баргларида ясаб беланчак
Боларига кула-кула боқибди.

Ҳайрон бўлдим, кўриб жамолин
Тонг нурига, чўмилган камолин
Рашик оловида ёниб битсамда
Ҳайдолмадим ёндан, баҳор шамолин.

Гул япроқлари пичирлаб аста
Рақсга туша кетди бирпаста
Бир-биридан гўзал айтсам сизга
Бири Раъногул, бири Шоҳиста.

Қуёш ҳам сузиб моҳ кўзларини
Меҳрла силади юзларини
Нур кафтини тафтига чидолмай
Гуллар, юмиб олди, кўзларини.

25.03.13.

ДИЛОРОМ

Қолгандик иккимиз икки йўл орасида
Ажрашгандик бузоқ йили тун қорасида
Ачинганди ой-у юлдуз, кўку замин
Дея! -- яна бир айрилиқ ишқ борасида

Айро тушган йўлларимизга боқсам чексиз
Чалкашиб кетган, тўғри деган йўллар, эссиз.
Бу дунё, дунё бўлибдику ишқ аҳли
Кўкна заминга сингиб кетган сувдек, изсиз.

Қолдирай дея, ишқ бобида ажиб ном
Кўрсатган эдим ёрима чексиз эҳтиром
Ўзга ёрнинг белбоғини тутиб кентдингму?
Ҳижрон оловига ташлаб мени Дилором.

Ҳисобсиз савдолар солиб ёлғиз бошима
Ранги-рўйимни сомон этдингми Дилором
Кўзларимни тўлдириб аччиқ кўз ёшима
Тақдир ҳукмига ташлаб кетдингми Дилором.

9.01.14 й.

ХАЁЛ

Агар ёд этсам босиб ўтган изимни
 Гулларга бокиб ёшга тўлган кўзимни
 Ақлим бўлсайди ҳозиргидек менда
 Айтган бўлардим, эҳ айтолмаган сўзимни

Билким, гулларнинг ҳам келиб ҳазон чоғи
 Ўтган умрин, сарҳисоб қилаётгандир
 Набираларга тўлиб, гуллаган боғи
 Оппок сочларин аста тараётгандир.

Тинмай югуриб — елиб вақтни кизганиб
 Тонг отмасдин, зулмат кетмасдан уйғониб
 Тонг юлдузин кучмоқликка чоғланиб
 Орта қолган изларин эслаётгандир.

Кўз ўнгида ўсган болаларга бокиб
 Ёшлиги ўтган боғни эслаётгандир.
 Муножатни тинглаб мисли селдек окиб
 «Рақиб» - ўлим эканлигин сезаётгандир.

31.12.12 й.

АЖАБ ХОЛАТ

Қарга — қузғунлар учиб келди
 Тўда булутлар кўчиб келди.
 Бир лаҳзада қуёш юзин тўсиб
 Қор қиз зулфин ёйиб келди.

Жон таслим этди бор япроқлар
 Савалашга тушди тароқлар
 Совуқ шамолнинг заҳр-заҳмидан
 Тез-тез ўчиб, ёнди чироқлар.

Либоссиз қолиб ёш ниҳоллар
 Қўкга сирли, маънос боқади
 Қоматин қоплаб совуқ ҳоллар
 Оқ қорга ўраниб ётади.

Қор остидан, илтижо этиб
 Гўҳ, ниҳоллар, нигоҳ тикади
 Қачон, баҳор келади дея!
 Унсиз кўзёшларин тўкади.

19.11.12 й.

ЭТМА ИХТИЁР

Қора зулфларинг ўйнаб дайди шамоллар
 Гунча лабларингдан унсиз бўса олар
 Қийнаб қалбимни хаё, ноҳуш саволлар
 Ҳижрон азобида, юрак қурғур ўйнар.

Билсанг айтолмаган сўзларим бисёр
 Бефарқ бўлма шамолларга эй гузал ёр,
 Бўсага ўч бу шамоллар, ўткинчидир
 Гулим олмай, уларни этма ихтиёр.

1.05.13 й.

ЯГОНАМИЗ

Нигоҳларингни сирдоши эди қошларинг
 Киприкларингда ўйнар эди кўзёшларинг
 Зулфларингни силаганда бир бегона қўл
 Айт! – жилмайишга қандай етди бардошларинг.

Олисдан термулардим, қадди-қоматингга
 Оққуш каби эҳ ёйилган қўш қанотингга
 Ё ўзга, ёринг қалби оташу – оловми
 Шерик этибсан уни, сиру-саноатингга

Балким, эсларсан бирга ўтказган кунларни
 Ишқ майидан маст бўлган унсиз тунларни
 Кузларимдан уйқу қочиб, ҳеч ухлай олмайман
 Эслаб, аҳду-паймон этган, ажиб онларни.

Бу кунга келиб иккимиз ёт бегонамиз
 Айрилиқ таъмин тотган ерда ягонамиз
 Тақдир экан! – дея юпатдик ўзимизни
 Тақдир деган бир афсонага ошно дугонамиз.

10.04.14 й.



КИМ УЧУН

Жонимни бермак, бўлдим қўлига
 Қонимни қўшмоқ бўлдим қонига
 Қизим сан деб эгилдим пойига
 Келин, келинда, тортди домига

Ҳар қадамда қарадим қошига
 Қозондаги пиширган ошига
 Ўзим келтирган ошу-туз-ё Раб!
 Айланди келиннинг сирдошига

Умр бўйи олишдим уй-жой учун
 Қаригандаги хўлам чой учун
 Билмадим гуноҳим, ўйлай-ўйлай
 Яшадим мен, айтинглар, ким учун.

2.03.13.

ЁШИМА

Жоним, сен мени тақдиримсан
 Бошимга, ёккан ёмғиримсан
 Баъзида, қалбим малҳами
 Дил, пайванди дилғиримсан

Сенсиз бир саҳродир кучоғим
 Сенсиз бир саробдир, ўчоғим
 Айтсам абадий ўчгай, сенсиз
 Кўксимдаги, ёлғиз чироғим.

Кел бир дамгина кел! – қошима
 Шерик бўлгин, тотли ошима
 Хижлат бўлиб илтифотга
 Хайрон боқма, ўтган ёшима

4.04.13 й.

* * *

Гулнинг гунчасига тикилиб
 Лабларингни яна ёд этдим
 Хижрон азобида тўкилиб
 Хаёлда коматинг бунёд этдим.

Бугун келдинг-у тезда кетдинг
 Киприкларинг найзасин санчдинг
 Қувонч ёшларимни қўриб
 Нега кўз ёшларимдан қочдинг.

21.03.14 й.

БЎЛМАС

Дилдорим, ошиқлигим айтмасам бўлмас
 Жон олгувчи жамолинг кўрмасам бўлмас
 Нима десанг дегил севгилим, учрашганда
 Шу дамда, ёнингда бўлмасам бўлмас.

Лабларингни қиёс этарман гўнчага
 Зулфларингни қиёс этарман кечага
 Яноғларинг ёнади ойнанинг нурида
 Ўхшаб нақшин олма-ю, ширмон кулчага.

Дилдорим бу кун сени кўрмасам бўлмас
 Юрак ютиб ишқимни айтмасам бўлмас
 Майлига ул юлдузлар, ёнсин ҳасадда
 Бу кеча ёнингга бормасам бўлмас.

7.03.14.

БИЛМАМ

Нагоҳ, бу кун кўрдим, ёрнинг кўзида ёш
 Юрагим титради, тутилгандай қуёш
 Тани-жоним қийналмоқда бўлиб хаста
 Кўнгил учун қулиб қуйди шу он, аста

Боқиб унинг юзига, қора кўзига
 Эҳ, девона бўлган онларим эсладим
 Тўймасдан тонга қадар ширин сўзига
 Иккаламиз кезган, боғларни эсладим.

Туркистон боғларида боғбон бўлгандим
 Саҳроларини кезиб, сарбон бўлгандим
 Шахло кўзларингда кўз ёш кўрмайин деб!
 Қучоғингда, минг бора, қасам ичгандим.

Қара! ёрим йиллар ҳам ўтиб кетибди
 Эҳтиросли тунлар ҳам қолиб кетибди.
 Яратган Раб! – бу қандай кўргулик, - билмам
 Ёрим кўзи, кўзёшга тўлиб кетибди.

31.01.13 й.



* * *

Гул япроғидек пирпирайди лабларинг
 Унсиз, - нимадир демоқ бўлади – аста
 Тонг, юлдузидек порлаб, жоду кўзларинг
 Айтолмаган сўзларинг, айтар охиста.

31.01.13 й.

ЭЙ ЎГИЛ

Эй ўғил, боғдаги гулларга бoқ
 Бири қизил, бири садафдек oқ
 Турфа гуллар, пичирлашар аста
 Булбул хажрида чекиб фироқ.

Тингла! гулларнинг оху-зорини
 Топтама ўтган гуллар мазорини
 Сен ҳозирги замон фарзандисан
 Яратгин, келажак гулзорини

Маҳкам, боғла бел, белбоғини
 Гулга пурка, юрт қорбоғини
 Истиқлол туғи тикланди
 Унит қуллик дил-доғини.

АРМОН

Сочларинг денгиздек тўлқинланди
 Алвидо! – деб кадам босганингда
 Зулфларинг мисоли кўл, тин топди
 Яноғингдан, бўса берганингда

Ул, бўса таъми ҳамон ёдимда
 Илк муҳаббат армони жонимда
 Айтолмаган дардим, айтсам сенга
 Уриб турган юрагу-қонимда.

Кечир! Ўтмишни эслаганимчун
 Оташ нафасинг қумсаганимчун
 Умр бир чакмоғу, чакин экан
 Ёшликда уни сезмаганимчун

Шамолда силкинган гуллар каби
 Ўтиб кетди умр, селлар каби
 Биз босган йўлларни набиралар
 Эсларму? Билмам. Уларнинг таъби.

2.06.14 й.

АЙТСАМ

Айтсам дўст, келин олсанг биласан
 Гоҳ оловда гоҳ чўғда ёнасан
 Кўзада сув келтирган хору-зор
 Деган: - нақлни ўшанда биласан.

Айтсам дўст! – гаплар жуда кўп
 Келин айтса! ўғил, кўзга ташлар чўп.
 Аста ўрганиб нозик хислатинг
 Демайди: ҳеч қачон, сўзингга ҳўп.

Сен ўйламагин нолимоқда деб
 Дўстим ҳам аста-қаримоқда деб
 Мен келинли бўлмаганим сабаб
 Дўст, ҳолимдан роса кулмоқда деб

Эй! яна нималарни айтайин
 Бу дунёнинг нерига қочайин
 Айтсам дўстим бу дунёдан
 Яхши ном қолдириб кетайин.

3.07.14 й.

ЎЛДИРГИН

Сочларинг мисоли ёвуз Аждаҳо
 Қоматинг гул-у, лабларинг бебаҳо
 Нигоҳимни куйдирар ҳусни-жамолинг
 Раббимни, ўзи берсин сана баҳо.

Тонгни кўраман, зулматда юраман
 Кўксим ёшга тўла, ўйга толаман
 Кўкдаги юлдузларга бокиб баъзан,
 Оҳ, чарақлаган кўзларинг кўраман.

Баъзан гулурайҳон, исларин пуркаб
 Хаста дил дардига малҳам бўлади
 Тонг шамоллари яноғим эркаб
 Ошиқ ҳолима – оҳ! бокиб кулади.

Гоҳида шамолларга эланаман,
 Гўзал ёримдан хабар келтиргин – деб!
 Еларнинг қўлларига тиг тутаман
 Хабар келтирмасанг, ўлдиргин деб!

30.03.14 й.

ОКИБАТ

Окибат. Уч бўғинли бу сирли сўз
 Ёд этсанг, намланади ҳар қандай кўз.
 Ўйла. Окибат бўлади турли-ча,
 Онани фарзандга меҳри ўзгача.

Оқ тараб, бўлиб бедор ўстиради
 Ўзи емасдан, сени едиради
 Бўй етиб чорласа сани жўралар
 Кутиб тонггача, ухламай ўлтиради.

Келиб тунда, ўйламай гапирасан
 Уйғокмисиз деб, ерга тупирасан
 Мен, ёш боламанми? Сизнинг-ча дея!
 Она қалбин оловда ёндирасан.

У ўтиб, кутгувчи бўлмай қолганда
 Вужудингни зулмат, камраб олганда
 Окибат истаб, бағри дил ёнганда
 Болалар ишдан ортмай қолганда

- Окибат истаб бўзлайсан. Йиглийсан!

3.04.2014 й.

ВАФО ЭТМАЙСИЗ

Сизсиз, менга дунёда ҳаёт йўқ
 Гоҳ, оч бўлсамда, сиз ила қорним тўқ
 Менга тегсин сиз учун узилган ўқ
 Деган ваъдаларингиз, қани жоним.

Сочларга оқ тушиб қувват кетганда
 Неваралар ўсиб, қулиб боққанда
 Қалбимга кексалик чироқ ёққанда
 Чирогинг бўлай дегандингиз жоним.

Девор каби нураб бормокда умрим
 Гоҳ яхшиман, гоҳон, хастаман қумрим
 Кўзлар хиралашиб, кетмокда нурим
 Кўз нурунг бўлай, дегандингиз жоним.

Ваъдаларга гувоҳдир, ой-юлдузлар
 Ўтиб кетди отағли, тун кундузлар
 Ваъда беришга ошиқманг қизлар
 Ваъдага вафо этмайсиз, гоҳ сизлар.

18.11.13 й.

* * *

Илон — илонни тишламас асло
Қилиб қўйса ҳамки мудҳиш хато
Одам-одамни тишлар пайт пойлаб
Қилмаса ҳам, деярли бир хато.

25.01.15.

ҚЎШИҚ

Яна ишқ йўлинда
Бир санамни куйинда
Ҳарсб бўлдим ўйинда
Ёндим-о! яна, яна.

Келиб кўринг ҳолимни
Қоврилажак жонимни
Тинч қўйинг худойимни
Ёндим-о! яна, яна.

Куяр юрак армонда
Ёрим юрар чаманда
Яшарман фироғинда
Ёндим-о! яна, яна.

Умид этиб ёрима
Ташна этма қонима
Ором бергин жонима
Ёндим-о! яна, яна.

Қошларингиз камонми
Рангларим самонми
Бу кун, мен ёмонми
Ёндим-о! яна, яна.

Дардим кетар ичимда
Яна ёндим ишқингда
Аллам қолди кучинда
Ёндим-о! яна, яна.

21.03.14.



МУҲАББАТ ЎЛИМИДАН

Билсанг эди, оҳ қанчалар севганимни
Сени деб жон таслим этмоқ бўлганимни
Гоҳида, ой юлдузларга термула-термула
Тонга қадар соғинч ёшларин, тўкканимни.

Гўзал юзларимни қоплаганда ажин
Қалбимни эгаллаганда кўринмас жин.
Олмаган қастдинг бормиди ё аламинг
Нега бўйинга ташладинг, яна хўржин.

Айт! – жоним! кўрган бўлсанг мендан ёмонлик
Қолган умрни, ўтказай сўраб омонлик
Кексалик, кўксим узра қуйлаб турганда
Нега тақдирдан нолий бер – деб, рўшнолик.

Унутдингми? иккимиз кезган боғларни
Гулола истаб, чиққан азим тоғларни
Тоғ-тошларга ёзган эдик исимимизни
Кўрмайлик – деб айрилиқ, ишкий доғларни.

Умримиз ёзилмас бир афсона бўлдим
Билмаганларга бир достона бўлдим
Тақдир ишқ боғида бизни яйратиб
Айрилиқ дардини равона кўрдими.

Айтсам, кўркмайман ҳеч ҳам тақдир ҳукмидан
Азобдаман! – бевафо сочлар зулмидан
Тақдир ўйиними ёки ёр қўшиғи
Лолман! – бевақт сўнган муҳаббат ўлмидан.

24.10.14 й.



МУҲАББАТИМ

Вақт ўтиб паймонам тўлган кун
Чексиз самода ой, сузмаган тун
Юрагимдан таралганда бир ун
Йўқатарман сани муҳаббатим.

Сўнги нафас қийнаганда қалбни
Хасталик экканда, қомати алпни
Тириклик берганда, сўнги зарбни
Йўқотарман сени муҳаббатим.

Балким қонимнинг парчаларида
Янги йилнинг шод арчаларида
Ўтган ёшлигим қўчаларида
Мангу яшарсан-сен! Муҳаббатим.

20.10.14 й.

ҚОРА КЎЗЛИГИМ

Сочларимизни безаганда оқ
Қоракўзлим, кўзларимга бок
Ўтгувчи ёшликнинг оҳангида
Гўё наво бўлиб, бир дамгина оқ.

Оқ сочларимизнинг ҳар толаси
Дастон бўлган ишқнинг бир носаси
Кексалик қўсаклаган бу дамда
Эслар ёшлигин, одам боласи.

Эҳ, кимлар келиб, кимлар кетмади
Қанча савдолар бўлиб ўтмади.
Ўғлим куёв, қизим келин бўлди
Лекин! дил кексаликни сезмади.

Елдек ўтиб умр, азиз бошни
Ўрай бошлади, оппоқ толалар
Кучиб олганда момиқ қор қошни
Ушлаб кўрар, набира болалар.

Билмадим. Яна қанча йил, ойлар
Окиб битар неча-неча сойлар
Кексаликни тан олмаган бу дил
Яна, ёшлик йўли қанча пойлар.

Сочларимизни безаганда оқ
Кел! — қора кўзлим, кўзимга бок.

9.02.14 й.

НОМА ОЛДИМ

Жонгинам. Бу кун сендан бир нома олдим
Ўқийман дея кўзларимга ойнак солдим
Ҳар бир мисраларинг тўла кўз ёшларига
Билсанг. Ёшлар томчисин қалб тубига солдим.

Нимага? ушбу кун мени яна йиглатдинг
Қирқ йиллар аввал, тинган ёғни доғлатдинг
Зум ўтмай, ёнган оловлар кул бўлган эди
Нега? – ўчган оловларни яна чўғлатдинг.

Эслагин ёшлик онларида қандай эдик
Эгар-у, жабдуқ урилмаган тойдай эдик
Бугунга келиб оқсоқ, ёлғиз кекса отмиз
Энди ёш тойчаларга керак бўлмай қолдик.

Ўйланаман, айбимиз нима? – билмайман
Ахир қирқ йиллар аввал, ёзгансан-ку номани
Кечаги воқеаларни бугун эслолмайман
Тополмайман, хатто, ётоғим бўлмиш хонани.

Кечиргин. Мени ўтмишни ёдлатган бўлсам
Армонли муҳаббатимиз, эслатган бўлсам.

3.06.14 й.



ЧИРОҚ

Йўлларимизга айро тушди-ю бироқ
Бечора дилим чекмоқда аччиқ фироқ
Жисмимда, жоним, - лек! айрилган ёрдан
Ҳамдардим эса, шифтдаги ёлғиз чироқ.

Чироқ нури кўзимга тигдек ботади
Менга тикила-тикила сўнг ётади.
Баъзида ёлғизлик, ёшларида окиб
Болишимни кўксига, сизиб ботади.

Кеч тушганда, тонг отишини кутаман
Бор ситам, аламни нчимга ютаман
Ёлғизлик дарди устун келган кезде
Эҳ, дардларимни мисраларга тўкаман.

Баъзида қичқиргум келади бу оламга
Кел! -- кела қолгин, олгин чорасиз жонни
Кераксизлигим алам қилар одамга
Ортиқ қийнама мени, музлатиб иссиқ қонни.

Балким паймонам хали тўлмагандир
Раббим, хаста жон борлигин билмагандир
Йўқ! -- Ҳамма-ҳаммасин билгувчи Оллоҳим
Тақдирим титиб яна! синаб юргандир.

31.10.14 й.



РАЙҲОН

Ҳовлимдаги райҳонлар гулга кирибди
Сарв-қоматига мушки-анбар сурибди
Хусни жамолига дол, ўзга бор гуллар
Тонг отгунча райҳонни, рақиб билибди.

Райҳоним эса, мағрур ҳаёл суради
Атрофида рақибмас, дўстни кўради
Табиий гўзаллигини этиб намоён
У гуллар билан бирга, бирга юради.

Гўзал қоматинга жоним этгум таслим
Айтсам, сабр-косам тўлди лиммо-лим
Бир бора боқсанг-у, япроғинг тутсанг
Эҳ, таскин топармиди, безовта дилим.

- Эй! Райҳон, Райҳон, Райҳоним! эрка гулим
Гули рўмолингни кўрмай қолибман
Тақдиримдаги бир имтиҳон, деб дилим
Ой, кучоғига ўзим сени солибман.

Эндиги афсуслардан – айт! – фойда борми?
Райҳоним эмас ўзга гул менга ёрми?
Ўзга гулга ошно этган Райҳон бўлса
Сочдаги, Райҳондан қолган, бевафо қорми.

6.08.14 й.

ТОРИМ

Армонимсан – дея куйлар қўлда торим
Байту-ғазалга, тўкилар дилда борим
Уйқусиз тунлар ўтар, йўқолган орим
Қўқда ой-у, юлдуз йиғлар, тинглаб зорим.

Қай бир ҳолатни санга сўйлаб берайин
Кел! – келмасанг айт! – ўзим борайин
Мунчоқ кўзларинга тикила-тикила бу тун
Қора қошларинга мос, ўсма қуяйин.

Оташ қалбимга малҳам бўла қолган жоним
Нафаслар отамидан чўгланса дилим.

18.11.2014 й.

* * *

Нега аёлларни, гулга ўхшатамиз
Гуллар қанча кўп бўлса қувонамиз
Бир дона гулни қучиб, ҳидлаганда
Исидан маст-аласт ухлаб қоламиз.

* * *

Учрашишда бу кун уч авлод
Ўтганлар руҳин этишди ёд
Бобо, ота, ўғил бирлашиб
Бир сажара этишди бунёд.

УН

Эй, гўзал кўзларимга боқ! дийдоринга тўйяйин
Маҳзун куй бўлиб, дил узра оқ жамолингга боқайин
Ўткинчи шамолдек умримиз, ўтиб бормоқда
Кел! – Моҳим, хаста кўнглим чоғ эт, кўз ёшларингда оқайин.

Бу кунни билсанг, неча ой-у, йиллар кутдим
Қалба ишқ тўфонин, баъзан, телбалардек унутдим
Умрим сарҳисоби якун топай деганда – ё раббим!
Сени йўқотдим, барча аламларни, ичимга ютдим.

Билмадим! – Яна қандай жабру ситам кутмоқда мени
Самовий парилар кулиб мендан, жонни қийнар
Билмадим! – қандай шайтоний хислар аллалар сени
Гумонларда уфуриб қон, оловда, тани-жоним ёнар.

Балким, сўнгги мисралар битилмоқдадир бу тун
Юлдуз ниҳон бўлиб, сўнганда ой, келмас янги кун
Мангулик йўли олисмас, яқиндир жуда-жуда
Балким! сўнги нафас ила парвоз этар армонли ун.

2.01.15 й.



Ё ТАВБА

Ўйлайман. Ўйимни тегига етолмайман
 Жигар экан, жажда ундан кечолмайман
 Тонга қадар тўлганаман, гоҳида эй дўст!
 Билсанг юлдуз гувоҳ, кўрпа муз, ухлолмайман.

Одамзод, қаримас экан дил тинч бўлса
 Турли-туман силтама гап бўлмаса
 Келининг ҳам кулар экан, ўғлинг кулса
 Танбех бермай, аларга зараринг тегмаса.

Ё тавба, наҳотки мен ҳам ёшлик чоғимда
 Билмайин, отам қалбини вайрон этганман
 Ёр келиб, юз очганда гул, мени боғимда
 Сизга нима! — ада! — дея танбех берганман.

Отамку ўтиб кетди, улардан сўролмайман
 Хоҳлайман! — Лекин чехрасин кўролмайман
 Онамдан сўрсам, ҳеч қачон яратган раббим
 Падаримни хафа этганим, биллолмайман.

24.10.14 й.

* * *

Кафтингни, кафтимга қўй
 Дил — дардини олайин
 Ҳижронда сурма, мунча ўй
 Ёлғиз сардоринг бўлайин.

* * *

Отам бор эди жаннатмакон
 Нигоҳи — ила этарди имтихон
 Ним табассум-ла силаб соқолин
 Чеккасига тақарди гулирайхон.

Кимлар келиб, кимлар кетган замон
 Қўникар экан ҳаммасига инсон
 Қорнин тўйдириб, ўстирган замин
 Охир-оқибат, бўларкан абадий макон.

1.02.2015 й.

ҚИРҚ ИЛОН

Эҳ, ўтиб кетди қанча ой-у кунлар
 Эҳтиросга тўла, юлдузли тунлар
 Ўтган кунларни тақдирга йўйиб
 Дилдан кўтарилди, армонли унлар.

Белга ўралган қирқ қора илон
 Сўлим бог-роғларда ором толарди
 Йигитларнинг қалбини этиб макон
 Юрагин камраб, домига тортарди.

Лаблари мисоли гул, қизил гунча
 Оташидан ёришар қора кеча
 Оразига махлиё кўкдаги ой.
 Хижрон оловида ёнар ҳар кеча.

Бу кун эса, оппоқ рўмол остидан
 Таскин топди, қирқта, оппоқ илон
 Қирқта илон бир тақдир кастидан
 Яратган тангрига келтирар имон.

13.02.2015.

ЙИҒЛАЙМАН

Умрим бўйи ухладим ерда думалаб
 Жисми-жоним оғрирди, турсам эрталаб
 Суянчиқ бўлар деган севиқли ёрим
 Қўяр энди, ҳар туну-кун, турли талаб

Меҳр истаб қоларкан кексайса одам
 Кўзларга ёш, келавераркан дам-бадам
 Гоҳ ўйланиб қоларкан тириклигига
 Эҳтиёт бўлиб, ташларкан ерга қадам.

Яна, нималарни ёзайин, билмайман
 Акклиман, ақлсизлигим билмайман.
 Қадам қўйсам, қадамим хато дейдилар
 Қадамим тўғри, лек хато – деб йиғлайман.

Қачон, қай пайт, йўл қўйдим, мен хатога
 Сўроқ айлаб ўз-ўзим, қалбим доғлайман
 Саловат айтиб яратганга – Атога!
 Шукр! – дейман Аллоҳга, шукр – деб йиғлайман.

21.01.2015 й.

ҚОҒОЗ

Шоирмисан – деб, сўради дафатан
Йўқ! уйғондим уйкудек ғафлатдан
Қалбим узра югурди бир илиқлик
Тавба! шеър ёза бошладим тўсатдан.

Шу сабаб, қоғоз юзин тирнар қаламим
Қоғозда бор ололмаган бир аламим
Оппок, кўксин безарман ҳар тонг
Қабул этганда қуёш, кунлик салюмим.

Ҳамма кетганда уйкуга, келар бир овоз
Инграб чалинар, қайдандир бир соз
Хоҳлайманми! – йўқми! чорлар қаламим
Қоғоз кучганда таскин топар дил, бироз.

10.01.15 й.

ХАЁЛ

Ёлғон дунёда қўп, яхши-ю ёмонни кўрдим
Бойлик келса ўзни, унутган инсонни кўрдим
Турфа гулларнинг энг сараси ўзимман дебон
Вақт ўтганда кераксиз бўлган, райҳонни кўрдим.

Югурдим, елдим оловдек ёндим, муздек қотдим
Селдек семирдим, бўрондек уфурдим, гоҳ тиндим
Ёрдан кечиб, армонларни қучдим, майдан ичдим
Беҳос, дилим таскини бўлган, иймонни топдим.

Баъзан, сўзлашаман у билан, худди телбадек
Баъзан, эргашаман ортидан, унсиз шарпадек
Кўзларимга келса ёш, хаёлдан оғриса бош
Топганим, ёлғиз иймон. Бўлар менга сирдош

26.01.15 й.



МУАММО

Сумбул сочларинга тароқ тортганим ёдингдаму
 Қора қошларинга ўсма қўйганим ёдингдаму
 Мажнунтолнинг тагида, сўлим сойнинг соҳилида
 Лаъли-лабларингдан шароб ичганим ёдингдаму

Ўша тунда ой кулиб боққан эди иккимизга
 Бор юлдузлар пайёндоз бўлган эди йўлимизга
 Дунёнинг лаззати туганмас туюлганди бизга
 Эҳтиросда, билаклар чирмашганда бўйнимизга

«Севаман»-дея пичирлаганди, гулдек лабларинг
 Юзларимни сийпаганди мушки-анбар зулфларинг
 Киприклар шодасига илашиб севинч ёшлари
 Кўз ёшларинг тўфонидан қизарганди юзларинг

Айтсам ўтган онларни эсламоқ яхшидир-аммо!
 Ёдингдаму?-деб сўрмоқ, жиддий бир муаммо!.

20.01.2015 й.

ЙИГЛАЙДИ

Товба! Бугун кўрдим сени яна
 Ёдимга тушди ўтган сана
 Узатган гулимни олган эдинг
 Кўзларимга бокиб, кула-кула

Қойилмасман вақт қўламига
 Жамланган фикрлар тўхтамига
 Бессамар хижрон аламин тортган
 Орзунинг дoston-у Рустамига

Орзуларим сароб бўлган эди
 Иссиқ калбим, ўртанмай қўйган эди
 Тўғриси айтсам эй севгилим
 Уйқусизлик дарди, барҳам эди

Яна, Хижрон, Армон. Мени қийнайди
 Хаёл ўтмишида тез-тез ўйнайди
 Қайданам учрадинг бугун яна
 Билсанг, дил мухаббатдан йиглайди.

2.02.2014 й.

* * *

Яхшилар, бошлайди кишлокка
Ёмонлар, бошлайди овлоққа
Амалдор, бўлсанг, душманинг ҳам
Айланар бир зумда ўртоққа.

* * *

Умр торозиси, борми дебон
Баъзан ўйлайман хар дам, хар он
Умрни, сарҳисоб этмоққа
Умр, етмаса жуда ёмон.

УММОН ЭМАС

Гоҳида ўғил ё қизнинг ғалваси
Ё аёлнинг тушуниб бўлмас нағмаси
Бир ипга тизилгандай, тизилади
Жабру-ситамнинг аянчли шодаси.

Ота-она ҳам, чексиз уммон эмас
Уларни абадий деб ўйлаб бўлмас
Кўксилари тўлиб-тошиб кетса ҳам
Фарзандларига ҳеч сир бой бермас

Баъзан хаёлларим, тортар гирдобига
Хаёт тоблар мени ўз офтобига
Ўғил-қизимга юқмасин дея гард
Юрагим қалқон, унсиз вақт шитобига

23.02.12 й.



ОГОҲ БЎЛИНГ

Бу дунёда кимдир йиғлайди зор
 Нокаслар хўжайин, яхшилар хор
 Гоҳида шайгон, бўлар одамлар
 Гуноҳсизларни этиб гуноҳкор

Огоҳ бўлинг осий одамлар
 Бу, номардлар сиз бирла қадамлар
 Пайтни пойлаб Ватандан кетади
 Амал! – деса онасин сотади.

Иблисни кучоклаб тонга қадар
 Тонг-ла, яхшиларга тош отар
 Шайтондан қўрқ дер, ўзи шайтон
 Огоҳ бўлмасанг, домига тортар

Уларни, кафангадо дейдилар
 Ватансиз ватангадо дейдилар
 Очиққан бўри каби дайдиған
 Имонсиз-дарди бало дейдилар

24.02.12 й.

ЎЙЛА

Ўйласам, умр нима дегани
 Дейдилар, Оллоҳимнинг химмати
 Тонг-ла куёш чиқиб сўнг ботгандай
 Ўтиб кетар тонгни зийнати.

Баъзан, топганимизга тўймаймиз
 Кўзимиз оч, хасадни қўймаймиз
 Қоврилиб, оч кўзлик оловида
 Уни, ўтиб кетганин билмаймиз

Қанча шоху-шаҳзода беклар ҳам
 Умр деган, тулпорга миниб ўтган
 Тинмай ўранса ҳам зебу-зарга
 Нарги дунёга, ялонгоч кетган

Фикрла эй инсон, қилмишинг, ўйла
 Кибрланиб, гоҳ имонсиз, қолишинг ўйла
 Учраганга отаверма тухмат тошларин
 Ўз тошларинг, бўронида қолишинг ўйла.

28.02.12.

ДИЛ НИДОСИ

Эл, оғзига элак тутиб бўлмайди
 Ойни, этак билан ёпиб бўлмайди
 Истиқдолга эришган, буюк халқни
 Энди бил, «рубль»га алдаб бўлмайди.

Биз қаддимизни тикладик чинордек
 Олам таниди. Колону-Минордер
 Элим байроги хилпирар самода
 Шонимиз, битилган қобусномада

Бизнинг илдизимиз кўхна Мозийдан
 Таскин олардик, ўқиб Шерозийдан
 Таъзим этган, ҳатто Лутфий бобо ҳам
 Сабоқ олдим дея, ул Навоийдан.

ЎЗБЕКИСТОН

Водийларга тикилиб тўймайди кўзларим
 Таърифлашга, гоҳида қолмайди сўзларим
 Қай, гўшага кирманг ошу-нон чойхона
 Қўшиқ, куй хазилу-мутойиба, тўйхона

Куёш чикмасдан уйғонади эрталаб
 Феъли, бағри кенг, эмас иззаталаб
 Белбогида қанду-новват, патирион, туршак
 Биқинида болишу, пахтали гул тўшак.

Шукрона дея яшайди, топган нонига
 Гард юктирмасдан юради, пок иймонига
 Ёмонлик истамас, ёмонлик қилганга ҳам
 Дастурхон тузар ҳатто душманига ҳам.

Шундай бир миллатмиз, юртимиз Ўзбекистон
 Авлиёлар руҳи кезган жаннатий макон
 Оллоҳимнинг назари тушган ажиб бўстон
 Билсангиз бу юртда, битилган бешлик дoston.

* * *

Сўзда. Америкага бориш мумкин
 Аммо. Американи очиб бўлишган
 Сўзда. Номардларни ҳам тутиш мумкин
 Аммо. Номардлар ҳам қочиш кетишган.

ГУЛЧА

Деразамга қараган шоҳча
Чеккасига тақибди гулча
Қуёш қўзин очмасдан туриб
Кийиб олибди яшил нимча.

Гул атрофида, гиркапалак
Бўса ололмай ари ҳалак
Булбул, чирқираб чалар чапак
Ҳолига йиғлар, хатто фалак

Само қўзёшлари қуйилиб
Гулчани кучди, дилдан суюниб
Найза, киприклари намланди
Ишқий, бўсаларга тўйиниб.

Қуёш ҳам ошиқди қошига
Илиқ нурин, сочди бошига
Зар зулфларин, ёйиб аста
Қалам сурди қора қошига.

5.03.12 й.

КЕЛДИНГУ – КЕТДИНГ

Майин майсалар қўзин сузганда
Қўқда булутлар қавоқ солганда
Қўқлам ели, юрт узра эсганда
Совуғ томчи яноғим ўпганда
—— Келдингу – кетдинг ———

Оймомо кўриниб, сўнг қочганда
Тўда, юлдуздан бири учганда
Зулмат маликаси зулфин ёйиб
Заминга қўшиб, мени қучганда
----- Келдингу – кетдинг -----

На илож, изинга боқиб қолдим
Армон деган, дардда ёниб қолдим
Эҳ, орзуларим бир уммон эди
Қўзёшларим, дарёсида оқиб қолдим
----- Келдингу – кетдинг -----

4.03.12 й.

УЙҒОНАР ЯНА

Ҳовлимдаги бир дона ёш ниҳол
Қўринганди қорда бечора ҳол
Келган баҳорни илиқ кунда
Оқликдан ўраб, олибди рўмол

Қоматига боқдим, оловдек ёниб
Ғунчаларин суйдим, тилдан қолиб
Белбогимни бойладим белига
Ним табассумига шайдо бўлиб.

Ҳар бир ғунчаси, ҳаёт белгиси
Дил хоҳлар, ғўзалликни суйгуси
Кетмасдан ҳали, қишнинг қайғуси
Уйғонар яна, баҳор туйғуси.

5.03.12.

..... ГА

Қучоғимга келгин, бир ибo билан
Юракни ёндирувчи наво билан
Қўнгил тамбурин чалгин хоҳлаганча
Жон олғувчи, илоҳий сабо билан

Оташ бармоқлар тафтида ёнайин
Олов нафаслар тигида ўлайин
Қай азоблар кутмоқда мани билмам,
Жоним, барчасин сен ила кўрайин

Балким, ўйлаб кўрарсан, ё келарсан
Мен билган, билмаган куйни чаларсан
Ҳижрон азобида ёнган юрагимга
Бир нафас, томчи сувлар сепарсан.

5.03.12 й.



ЯГОНА

Менга нигоҳинг ташладинг
Олиб қўлга рўмолингни
Кипригинг санчий бошладинг
Этиб қўз-қўз жамолингни

Зулфинг сийпар яногингни
Қўз гавҳари чирогингни
Кел! қўнгил боғига жоним
Қўйгил энди фироғингни

Қалбга ташлаб чўғ-оловни
Уйғотиб ишқий яловни
Зиндон этиб юрагимни
Севдим дема – бировни

Юрагим далли – девона
Гул коматинга парвона
Ақлим ўғирлаган жанона
Сенсан дунёда ягона

8.03.12 й.



МАКТАБИМ

(Пискент туманидаги 23-сонли мактаб)

Ўйласам қирқ йиллар муқаддам
Мен, тарк этгандим мактабимни
Ҳаёт сўқмоғига қўйиб қадам,
Қолдиргандим илк офтобимни

Ўшандан буён нега авлод
Чалмоқда ўша қўнғироқни
Зиё масканида, қалби шод
Ёқмоқда илмдек чироқни

Мисоли йил фасллари каби
Алмашибди, устозлар насли
Кўз ёшлар келди ёмғир каби
Билсангиз, қувонч ёшлар асли

Яна бир бора қадам қўйдим
Мактабимни йўлақларига
Болаликдаги ҳисга тўйдим
Шерик бўлиб тилақларига

Ортимга тикила-тикила
Узоқлашдим мактабимдан
Юрагим сўкила-сўкила
Хайрлашдим, ул офтобимдан.

Хайр! – дер мактаб деворлари
Кўтарилди, дил гўборлари
Пойимга поёндоз бўлишди
Болалагим, боғ-роғлари

Қанчалар оғир бўлса ҳам
Яна бир бора, тарк этаман
Олисларда юрган бўлсам ҳам
Ҳар баҳор, бағринга қайтаман

9.03.12 й.

* * *

Юлдузларга қилмайман ҳавас
Ёлғиз улар кўзлари чарос
Куйган қалбим оловин кўриб
Пок қалбима қилади ҳавас.

БАҲОР

Майсалар нигоҳига тиксам нигоҳ
Баҳорнинг эли бўлди, менга ҳамроҳ
Кўкда қалдирғочлар қанот қоқди
Патсимон булутлар маънос боқди.

Баъзан томчилар, самонинг кўзёшлари
Баъзан чимирилар, уфқнинг қошлари
Самога зулфин ёйган камалакни
Олқишлар, баҳорнинг илк қуёшлари.

10.03.2012 й.

ЧИЗАМАН

Мўйқаламни ясаб ойнинг зулфидан
Тунни билан гулим суръатинг чиздим
Эрта саҳарда, қуёшнинг қулфидан
Озод бўлган гўзал, сийратинг кўрдим.

Кўкдаги юлдузларга этиб ҳасад
Қалбаки, юлдузлар бўлади қосад
Мўйқаламни қаердан олди деб
Таркатишди турли, фиску-фасад

Чизмоқ бўламан, қаламда суръатинг
Қўрқаман озор топар деб сийратинг
Киприкларинг тигига қалам чарҳтаб
Оширмоқчи эмасман, асл қийматинг.

Тун маликаси қопласа оламни
Баъзан қалбим ори билан чизаман
Қора зулфи-ла ўраса хонамни
Оймомонинг кўзи ила чизаман.

10.03.12.

КУЛАВЕРАДИ

Фасллар меҳмон каби келиб кетавради
Ҳар баҳор гуллар юз очиб, кутавради
Атиргул кулиб, кўзларин сузавради
Ой, зулфин ёйиб тонгача кулавради

Йилда бир марта, водийлар кўксин тўлдириб
Алвон либос кийиб, гуллар юравради
Юрагим каби пирпираган япроқлари
Шамолга ҳилпираб, шодон кулавради.

13.03.12.

СЎНГИ ҚОР

Қор ёғмоқда окшоқдек сочилиб
Осмон кулар, гоҳида очилиб
Қуёш ҳам киприкларим уйнайди
Оқ булутлар ортига беркиниб

Уфққа тикилсам, қошлари солгин
Замин қўринар кўзимга хоргин
Окшоқли қорга боқиб бойчечак
Қор кучоғида товланар сўлгин.

13.03.12.

СЕНИ ЭСЛАТИБ

Яноғимга ёпишган томчилар
Билсангиз, юрагимни камчилар
Кўзларимдан оққан ёшлар каби
Билсангиз, курагимни чимчилар

Сиз кетганингизда баҳор эди
Нафис, чечаклар юз очган эди
Нигоҳимга тикиб нигоҳларин
Юрагимга, киприкларин санчган эди

Куз ҳам келди, оламни йиғлатиб
Ҳижронда ёнган, булбулни бўзлатиб
Гулзорим оралаб эсган шамол
Юзим сийпади, сизни эслатиб

Ҳижрон. Ўқиғандим эртақларда
Кўргандим. Сиймонгиз куртақларда
Гулдек очилгандир чиройингиз
Ўгил, қиз, қуёв – тўла этакларда.

13.08.12 й.



СЎРИ

Кутдим сизни тонга, қадар келмадингиз
 Ойдан сўрадим ҳолингиз, билмадингиз
 Гулирайхон экдим кўксимда авайлаб
 У, униб чикди, лекин сиз сезмадингиз.

Райхоним ҳадя этмоқ бўлдим парига
 Боқмай суриб, қўйдингиз ўздан нарига
 Олисдан бўлса ҳам бир бора кўрай деб
 Ётиб олдим, ёлғиз, сиз суйган сўрига.

Сўри, юзлашар чақин-чақмоқлар билан
 Бизни сўз қилган оқин-ахмоқлар билан
 Бугун келдим яна, хайрлашмоқ бўлиб
 Болапигимни кўрган сўқмоқлар билан.

12.03.12.

БАҲОР ҚУЁШИ

Баҳор ҳавосига, кўксимни тўлдириб
 Набирамни қучдим, севинчла қулдириб
 Шу дам булутлар қанотин силкади
 Олисдан, баҳор келганлигин билдириб.

Набирамнинг кипригига қўнган томчи
 Яноғида юмалади мисоли ёш
 Гох, чавандоздан егандек, тулпор қамчи
 Сесканди-ю, кўзларини очди қуёш.

Нигоҳин тикди, набирам нигоҳига
 Куз гавҳарида тасвир чизиб шуъласи
 Салом! – деди заминдаги ҳамроҳига
 Кипригида, лов этиб баҳор лоласи.

16.03.12.



ХАСТА ЭШАК

Бошлик бўлсанг, эгилиб келади
Хатто, эшакка гул, элтиб беради
Сени назарингга тушайин дея
Кучугинга зирак, такиб кетади.

Билсангиз ундайлар сузмол бўлади
Гох, ялтоқланишни яхши кўради
Ярашмасада ёш, қилган ишига
Дайди итдек, думин тугиб юради.

Бошлиқни назарига тушса-ку, бас,
Ял, ял ёниб оламга ҳеч ҳам сиғмас
Бошлиқ ўзгарса ҳам, у ўзгармайди
Қари эшак бу хислатин қўймайди.

16.03.14 й.

* * *

Бугун йиғишди, катти мажлисга
Бошлиғимиз, кетганмиш олисга
Бир кун бўлса ҳам бошлиғман, - дея!
Дўстим, ўхшаб қолганмиш иблисга

17.03.12 й.

* * *

Қоронгулик. Шамол саси
Тегишиб кетди, эшикка
Қўрқув. Учиб келин эси
Боласин солди бешикка

Тикилди. Ойнинг юзига
Уйқу. Келмасдан қўзига
Шу алфозда, тонгни кутди
Қўрқувни ичига ютди.

Баҳор. Сокин тонг чоғида
Рўмол ёпди, ким бошига
Севинч ўйнади дил боғида
Қайтди ёри, унинг қошига.

17.03.12 й.

НАБИРАМ (ҲАЗИЛ)

Қариндошлар дея, омон-омон
 Набирамга исм қўйишда Камрон
 Агар айтсам, сизларга дўстларим
 Набирамни феъли жуда ёмон.

Ўзи кичкина жуда эркатой
 Доим кипригида, ўйнайди ой
 Таъмсиз сўргични, пуфлаб ташлайди
 Жанжал қилиб, ёмғирда ухлайди.

Ёлғизликни ҳеч ҳам хуш кўрмайди
 Қўшиқ қуйлаб, овозин тоблайди
 Ёнига келсанг, жимгина ётиб
 Қайта қичкиришга куч тўплайди.

18.03.12 й.

ЮРТИМ УЗРА

Баҳор. Юртим узра сепин ёймоқда
 Нозик бойчечак сомони қучмоқда
 Ўриклар, новдаларига зирак илиб
 Қошларига, яшил ўсма қўймоқда

Навдаларни безаб ажиб ғунчалар
 Келинлик либосин кийди олчалар
 Осмонни тўлдирди бор юлдузчалар
 Қуй – навога тўлди ойдин кечалар.

Гир атроф, бир зумда жонланиб қолди
 Илк ғунчалар, во! – ажаб, нозланиб қолди
 Самога интилган майин-майсалар,
 Илк баҳор кўз ёшин, қўйнига солди.

Водийларда юз кўрсатиб долалар
 Чўппакдан от минди қўп болалар
 Зулфларга, толпоқук бўлайин – дея
 Кўзларин очди нозик навдалар.

18.03.12 й.

ОНЛАРИ БОР

Баҳорнинг ажойиб кунлари бор
 Гоҳ булутли, ойдин тунлари бор
 Битилмаган байт-у ғазал, асал
 Ҳижронга тўла, бир онлари бор.

Баҳор келди бойчечак бойланди
 Боғу-роғларда еллар айланди
 Навдаларда куз очиб гунчалар
 Оппоқ либос кийишга шайланди.

Эҳ, баҳорнинг ажиб кунлари бор
 Пистирмада ётган селлари бор
 Қуёшнинг зулфида шодон ўйнаган
 Жон олгувчи, ажиб нозлари бор.

2.03.12 й.

ОТАЖОН

Жоним деганларим жоним олишди
 Тузим еганларим, ошим олишди
 Ёрим деганларим, бағрим тилишди
 Дўстим деганларим бошим олишди
 Айбим нима, мени айтгил, отажон.

Ўсган эдим кўксинг аро эрклаб
 Меҳр-ла туз берган эдинг эрталаб
 Кечалар ухламайман, кўзларим очик
 Ҳамроҳим зулмату, ҳўлланган сочик
 Айбим нима, мени айтгил, отажон.

Бир адашдим, ҳаёт сўқмоқларида
 Куйиб битдим само чақмоқларида
 Нокас димоғлар бўлди жуда чоғ
 Ёлғон дунё, ёлғон сабоқларида
 Айбим нима мени айтгил, отажон.

Баъзан йиглайман ич-ичимдан ўксиб
 Наҳот-ки, ёруғлик этмайди насиб
 Бу юрагимга, ўрнашган жохиллик
 Хаста жисмимда, нега қолди писиб
 Айбим нима мени айтгил, отажон.

II

Кўкга қарайман, ёмғир ҳам тинибди
 Чанқоқ ер, меҳрга тўйиб олибди.
 Меҳрсиз, меҳрга зор, вақт кўлами
 Зулмат, зулфида келиб, дил алами
 Айбим нима мени, айтгин отажон.

Умрим ўтди, даҳшатли тўфон каби
 Хателарда, изингиз бўрон каби
 Ахир мен беғубор бола эдим
 Фалакнинг боғида гуллоло эдим
 Айбим, нима мени, айтгин отажон.

Сен ҳам кетдингми, кута-кута мени
 Бир қайиқдек қалқиб мангулик сари
 Шунчалар кўпмиди, гуноҳим мени
 Келмайди умр тўхтами, кутган сари
 Айбим, нима мени, айтгин отажон

Отажон тўйдим мен ёлгонларга
 Йўлга қуйилган, тухмат тўғонларга
 Бағри-дилим қонга тўлди бу кеча
 Ҳолим кўриб, қулиб кетганда чеча
 Айбим, нима мени, айтгин отажон.

20.11.14 й.

..... ГА

Юзларингни сийпалайди сочларинг толаси
 Кўзларингда ўйнайди киприкларинг шодаси
 Кўз гавҳарида қанот қоқиб, ишқнинг шулъаси
 Ҳижрон куйида, намланди, киприклар ноласи.

Яноғларинг қип-қизил, гўё тоғнинг лоласи
 Кўз тушганда таралур, хаста юрак ноласи
 Дил кўргонида очилган гулларнинг сараси
 Бир боқ боқишингдан шифо топур қалб яраси.

Қадди-қоматинга қул бўлдим, хушсиз девона
 Пойинга поёндоз истаб, булбуллар парвона
 Кел! қошима тинглагил, хаста кўнгил зорини
 Байту-ғазал битдим сенга деб, ширин забона.

21.03.12 й.

ЁМҒИР БЎЛДИМ

Дувиллаб ёғар, ёмғир бошинга
 Шувиллаб оқар ёмғир қошинга
 Киприклар нам, кўзлардан оқар ёш
 Гуё намак қўшилди ошинга

Қоматинг қийнар шалоба либос
 Бир илондек, чирмашиб тананга
 Иболи ҳаё, сийратинга хос
 Йиғлайсан кетмоқ бўлиб хонанга

Баъзан, ёмғирдек ёғдим бошинга
 Баъзан наъмакдек тушдим ошинга
 Кўнгил истар, сурма-ю, ўсмани
 Лек! – киров келди, қора қошинга

Бешавқат вақт, шавқатсиз кунлари
 Ел каби учди, хижрон тунлари
 Ўйламасдан, ёмғирдек ёғилдим
 Селдек кетганда, ёшлик онлари.

23.03.12 й.

БЎЛИБ ҚОЛДИ

Кўзлардан нур кетди, гавҳарида ойнак
 Белдан қувват кетди, белбоғида чойнак
 Сарв қомат эгилди, мисоли мажнунтол
 Ниш урганда, кўнгил чорбоғида донак.

Алп қоматлар бир афсона бўлиб қолди
 Муҳаббат тилда, достона бўлиб қолди
 Ёшлигимда гулим олмаган ул санам
 Кўксимда ўчмас афсона бўлиб қолди.

23.03.10.



РЎМОЛИНГНИ

Кўксимда асрайман ҳарир рўмолингни
 Рўмолинг гулида кўраман жамолингни
 Кўкда ой ҳам ожиз чиройнинг олдида
 Кўнгил истар кўрмок, қадди-камолингни

Киприкларда ўйнар сочларинг толаси
 Отаида ёнар яноғларинг лоласи
 Кел ёр, бир нафас рўмолингни олгали
 Дарз кетмасин ушбу дам, қалб пиёласи

Оламни кучди қизғалдоқлар шодаси
 Юракда гуллади ишқнинг лоласи
 Баъзан, кўзларимга суриб рўмолингни
 Таскин, топар аста, юрагим ноласи.

24.03.12 й.

БОҚАСИЗ

(Ражабой ўғли, отам Каримбой руҳига)

Неча йиллар, ўтибди отажон
 Бориб, олмадим, қўлдан ишингиз
 Койирдингиз, эй! ўғил жалажон
 Ҳамма гуноҳларим кечирдингиз.

Энди билдим, кадр-қимматингиз
 Уммондек кенг, қалб ҳимматингиз
 Соч-соқолингизга боққанимда
 Санчирди, юрагим билмадингиз

Менинг назаримда, ўша-ўшасиз
 Тулпор минган, чавондоз отасиз
 Оламдан ўтган бўлсангиз ҳамки,
 Ҳамон бизга тирикдек боқасиз.

24.03.12 й.



ЧЕЧАК

Йўлакда ётган ёлғиз бир тош
Кўксида чечак, кўтарди бош
Хайрона бўлманг эй дўстларим
Чечакка баҳор, бўлди йўлдош.

Ой юзига бокди қувониб
Эртанги пок тонгга ишониб
Чечакни кучоқлаб майсалар
Чаппак чалишди шодланиб.

Майсалар қадди-қоматига
Тегишиб ўйнайди шамоллар,
Ғунчалар юз-қўзин чимдилаб
Куйлашади, баъзан шамоллар.

25.03.12.

ЧЎПОН БОЛАМАН

Тонгда майсалар билан сирлашдим
Эзгу-ниятларга шерик, дардлашдим.
Чечакларни босиб қалб-қўримга
Ёшлигим билан яна беллашдим.

Хаёлларим, чалкашди ушбу дам
Майсалар, куйларди дам-бадам
Майсаларнинг нафис куйларини
Ёшликда нечун сезмайди одам.

Ёшлик бебаҳо, таърифсиз туйғу
Гоҳ келтиради, шодлиғу-қайғу
Майсаларнинг кўксин этиб макон
Ёшлик қайтишга, топмас имкон.

Баъзида, чуқур ўйга толаман
Ўтган ёшликни куйга соламан
Майсаларни қучиб, қулоч ёйган
Билсангиз, ўша чўпон боламан.

25.03.12.

ҒУНЧА

Новдаларни кучиб олди
Оппоқ марваридлар шодаси
Куйиш юзин тўсиб олди
Дайди булутлар подаси.

Ой, зулфини бир-бир ўриб
Мох, юзига кўзин тикиб
Шамол, сасин дилга тугиб
Ғунча кулди, хисга тўлиб

Эрга сахарда безанди
Ойни кўзида таранди
Куйишга, унсиз интилиб
Бағринга ол, деб, эланди.

Баҳорнинг куй-созларида
Тобланди, ғунча қошлари
Ғунчанинг шўх кўзларида
Қалқиди, қувонч ёшлари.

Эй, ғунча, ғунча, Гулғунча
Не сабаб, гўзалсан бунча
Рухсоринга ошиқ, ҳатто
Кукда оймомодек, кулча.

1.04.12.



КЎКЛАМ

Юзимни сийпади ел, тонг чоғи
Чечакларга бурканди, дил боғи
Нов-нихоллар уйғонди ушбу дам
Замин узра, ташлаб илк қадам.

Олчалар такишди, шошиб зирак
Жонзодлар, жонланди истаб хўрак
Замин ҳориб, кўз ёшларни куча
Осмон йиғлади, тинмай ҳар кеча.

Бу йилги баҳорнинг шашти баланд
Еллари, елар баҳорга монанд
Майсалар нозик қоматин тиклаб
Иллоҳий нёъматдан, бўлди хурсанд.

Баҳор келиб, уйғонди туйгулар
Қайтмасга кетди, қишги қайгулар
Толлопук такиб, бойчечак тутиб
Янгради богда, қаҳ-қаҳ кулгулар.

1.04.15.

МОҲИМ

Армондек, нидоларга тўлиб куксим
Орзудек, - уммонларга толмай тилсим
Кечаларим ўтказиб, ёлғиз, бедор
Кўзёшларда зорланиб, окди ўксим.

Билсанг, самоларни тўлдирди оҳим
Кела, кол! – қошимга бир нафас моҳим
Юлдузларга қиёслаб жамолингни
Таъзим этайин, пойинга, – деб, шоҳим.

2.04.12 й.



БЎЗ БОЛАМАН

Бўз тўрғайдек бўзлаган, бўз боламан
 Яйловларда кўз очган гул лоламан
 Шаҳар шовкини шоширар акл-хушим
 Билинг, энди қишлоғимга қайтаман.

Қўмсади дил, ёлғиз оёқ сўқмоқни
 Боғ кўча анор боғ, яшил ўтлоқни
 Эятикади қалб, ҳис этиб бир исни
 Чангитиб кечган, упадек тупроқни.

Қошу-кўз, киприкларим чангда қолиб
 Куларди гавҳари қуёшдек ёниб
 Баъзан, тонгла кетиб, кеч қайтганимда
 Сўроқларди отам, дўпписин олиб

Бўз тўрғайдек бўзлаган бўз боламан
 Билинг, энди қишлоғимга қайтаман.

НУР ВА СОЯ

Нур дейди, олдинга юр
 Соя дейди, шошмай тур
 Умр бўйи эргашаман
 Олиб, кўзинга бир сур

Нур эса кулаб туради
 Соя, бирга юради
 Нурга хасадла боқиб
 Оёғин, чалиб туради.

04.04.12 й.



ЙИҒЛАЙДИ

Тавба! Бугун кўрдим сени яна
Ёдимга тушди, танишган сана
Узатган гулимни, олган эдинг
Кўзларимга боқиб кула-кула

Қойилмасман вақт кўламига
Жамланган фикрлар тўхтамига
Бесамар, хижрон аламин тотган
Орзунинг дoston-у Рустамига

Орзуларим, сароб бўлган эди
Ишқ, қалбим ўртамай қуйган эди
Тўғрисини айтсам, эй севгилим
Уйқусизлик дарди, барҳам эди.

Яна хижрон, армон, мени қийнайди
Хаёл, ўтмишда тез-тез ўйнайди
Қайданам, учрадинг бугун яна
Билсанг, дил, муҳаббатдан сўйлайди.

6.04.12 й.

* * *

Юзин очди, баҳорда бир гулча
Ёнида жилмаяр, нозик гунча
Ям-яшил матодан кийиб нимча
Яноғида ёнар, кичик холча

Гулгамас гунчага бўлиб ошиқ
Қалбларда уйғонди бедаво ишқ
Бир, хол учун бермоқ бўлиб жонни
Баъзида, боларилар, қуйлар қушиқ.

14.04.12 й.

ДАРДКАШ КЕРАК

Эҳ, дўстим менга бир дардкаш керак
Кўрдингми. Беҳос кулади терак
Ахир у, кеча бир ниҳол эди
Ўйла. Энди терак, кимга керак.

Баъзан дилим ёнар, борим кулар
Кулиб юрибману, лек қалбим йиғлар
Ёниб-қуйиб яшадим бесамар
Билмасанг, ҳақлигим, Аллоҳ билар.

14.04.12 й.

БЎЛМАЙДИ

Кегяпман, манзилим жа олис
 Бу шавкатсиз вақт, ҳакамдир холис
 Ажал, гоҳон кулади, йиғлайди
 Эҳ минглаб жон олса ҳам тўймайди.

Балким, қисмат шундай битилгандир
 Бу жон, хандакакдек етилгандир
 Хандакак ҳам гуллаган чоғида
 Менга, бир дамгина тикилгандир

Инсон ўз қисматин билмайди
 Оёғидан нарини кўрмайди.

13.04.12.

ЎЙЛАСАМ

Қалбим тўла орзу-ҳавас, лекин на илож,
 Бу дунёдан телбалардек кетмоқдаман
 Ўғлим, кизим, дедим, югурдим, адашдим
 Дилим вайрон, кўзимда ёш ўтмоқдаман.

Ёрим, деганим во ажаб, тикон бўлди
 Ғийбатларга тўла дунё, макон бўлди
 Нокаслар голиб мардлар мағлуб бўлди
 Ё раб! номардларга, ўтгувчи умр қолди.

Ўтар дунё ёлғон экан, энди билдим
 Ёлғон севгини, ёрнинг кўзида кўрдим
 Молу-дунё, амалу-тақал келганда
 Ўзни ақл, ўзга ахмоқ, деганда билдим.

Ўйласам, ёрқин юлдуз ҳам ниҳон бўлғай
 Танига сиғмаган гулгунча ҳам сўлғай
 Заминни менсимай, учган қушлар борки
 Билсам, кун келиб, замин кўксига қўнғай.

Қалб тўла орзу-ҳавас лекин на илож
 Бу дунёдан телбалардек ўтмоқдаман.

14.04.12.

ЎЙИН

Энди, ёнингга ҳеч ҳам бормаيمان
Ишонмай қўйдим, қора кўзларга
Севишим, сенга сира айтмайман
Ишонч, йўқолди алдамчи сўзларга

Ўйлайсан, ҳеч нима билмайди деб,
Виждон деб, юрибсан виждонни еб
Макр-ҳийла, қурбони бўлиб, кимгадир
Оммаддан нолиб, омадсизман – деб.

Қушдек учирилган киприкларда
Аччиқ кўз ёшлар, макон топади
Алдовга қурилган кўприкларда
Оловлар учрашиб, сўнг сўнади.

Қалб, ярасин даволаш қийин
Вақт, ўтса газзак олиши тайин
Ўлган қалблар уйғонмайди ҳеч ҳам
Тақдир футболмас, шунча-ки ўйин.

16.11.14.



ТОНГЛАР ОТАР

Қалбимни кийнайди, ажиб туйғу
Қўрқаман келтирмаса деб қайғу
Жонгинам деганларим, жон олди
Бошимга туганмас ғавго солди.

Қушдек қўшқанотларим қайирди
Сахродек сарғайишни буюрди
Рози бўлдим, дилим хуноб бўлди
Дўстларим, севгилимдан айирди.

Тўфон каби тентираб тўлғондим
Кеч бўлсада, уйкудан уйғондим
Ҳижронни шароби, аччиқ экан
Не кўргулик, билмасдан булғондим

Тунлар кетидан, тонглар ҳам отар
Умрим, сой каби тўхтовсиз оқар
Нигеҳин тикиб севаман деган
Ёлгончи ёр, энди кимга боқар.

Нукта қўйяйин, деб ҳаммасига
Келиб, дардим айтдим аммасига
Дўст деганим кўмак берар десам
Кўмакдан, иш кетди, чаппасига

22.04.12.



.....ГА

Сен кетдинг уйинга бориб келайин деб
Тун ўтмай, кўргим келди яна, негадир
Олис давонларга бокдим, кўрайин деб
Ўйладим. Балки болалиги биргадир.

Балким. Қора зулфларингни ўйнаб шамол
Амма-холалар, қучгандир ўраб рўмол
Жамоат жам бўлиб, бирдам, ўша онда
Болалигинг келиб, дегандир мани ол.

Балким. Қалбингни чўлғаб ҳису-хаёжон
Киприкларинг намланиб, қийналгандир жон
Балким. Кафтларинг силаб она тупроқни
Дегандир. Салом Ҳовли, салом Онажон!

Балким. Қўҳна боғлар кесилиб кетгандир
Ўша, пахса деворлар нураб битгандир
Балким. Болалик ўтган ўша ҳовлида
Болалигинг чопкилаб, ўйнаб юргандир.

Қўлимдан нима келади, дунё шундай
Сенсиз ўтаётган кун, худди тундай.

24.04.12.

ШАХМАТ

Ҳаёт бу шахмат донаси
Билмайди, одам боласи
Шоҳлар чорласа ҳужумга
Пиёда келар ажримга

Шоҳ ҳукмини қутмай туриб
Фарзин айтади ўз сўзин
«Ўлим»дан қўрқингми-дея!
Гоҳ пиёдага сочар захрин

Жанг майдони, қонли чексиз
Пиёдалар жангда тенгсиз
Агар тарк этса жангоҳни
Дорга тортилар сўзсиз.

Шоҳ айтмай туриб ўз сўзин
Жангдан қочиб қолса фарзин
Зобитлар тўшар поёндоз
Эъзозда шоҳ, ёнда фарзин

8.05.12.

ВАҚТИНЧА

Ой шульасида бу кеча
 Юзин очди ёлғиз ғунча
 Қоматин кўз-кўз этар
 Кўхна қуёш зулфин ёйгунча

Манманликда гулгунча
 Билмас, хусн вақтинча
 Хорлик азобида ёнган
 Булбул севолмас ўлгунча

Ғуьча-гунча гулгунча
 Чиройли бўлмасанг бунча
 Булбул севмаса севмасин
 Мен севаман ўлгунча

1.06.10.

КАПАЛАК

Момикдек қанотларин қокиб
 Гулгунчаларга оҳиста бокиб
 Майсалар кўзида, селдек окиб
 Чиройини кўз-кўз қилар капалак.

Баъзан, рақсга тушар тўхтамай
 Майин, эсган елнинг охангида
 Чилдирмадек, қизиган қуёшнинг
 Жон олувчи, баҳанг-баҳангида

Капалак қўшиғига жўровоз
 Кўкда учади, қалдирғоч шаввоз
 Гоҳ ерга қараб кескин шўнғийди
 Капалакни қучолмай йиғлийди

Капалак, капалак, оҳ капалак
 Толиенга, сокин бўлсин фалак
 Қанотларинг чарчамасин дея!
 Айтсам сенга, азиз жоним ҳалак.

31.05.12.



ИШҚ ЭМАСМУ

Юзларимга, ажинлар ёйган
Сочларимга, қировлар сурган
Юракга чексиз армон бўлган
Ўша! шавқатсиз ишқ эмасму

Киприкларимни нам айлаган
Хушим олиб хушсиз қуйлаган
Билиб, билмай кўзим бойлаган
Ўша! шавқатсиз ишқ эмасму.

Оймомо билан сўйлаштирган
Тунни, тонг ила учраштирган
Олов, отошида куйдирган
Ўша! шавқатсиз ишқ эмасму.

Бугун ўтирибман ёд этиб
Қаримаган, қалбим шод этиб
Гоҳ, куламан ўзимга-ўзим
Ўтган ишқимни, айбдор этиб.

1.06.12.



Мархум бобом Ражабой хотирасига
МАНГУ БОҒЛАНДИ

Тонгда бобом, кафтларин қўйиб юзига
 Тонг шульасин сурарди қўзига
 Нималардир-дея, пичирларди баъзан
 Тушинмас эдим, айтаётган сўзига

Қоп-қора болакай эдим тетапоя
 Тойчоқ ўрнига минардим гўзапоя
 Беш ёшимда кетмон, эди бир ўйинчоқ
 Тинмасдан терардим пахта, кучок-кучок

Бобом, эди оддийгина деҳқон-батрак
 Қўчамизда ўсар эди, бақа терак
 Теракга боғланарди, қари бир эшак
 Баъзан, ўйлардим, тонгда турмаса керак

Бобомни кулоқ айлаган қизил байроқ
 Хилпирарди, қизил маҳкама бошида
 Белини буккан тамға, болға-ю, ўроқ
 Ўз кучин кўрсатарди бобам қошида

Шукр! оллоҳга у кунлар ўтиб кетди
 Сўрамасдан ёшлигимни олиб кетди
 Истиклол шамоли уфуриб юрт узра
 Қизил байроқни, сахрога қўмиб кетди.

Мархум боболарнинг рухлари шодланди
 Ўзлигин англаб эл, қўзлари намланди
 Билсангиз, дўстлар мустақиллик байроғи
 Жаҳоннинг, пештоқига мангу бойланди

26.06.12.



УМР НИМА

Умр нима? окиб кетгувчи бир дарёми
 Ёки кўриниб, кўринмайдиган рўёми
 Ғарибсан, гоҳ пода, гоҳ гадо, гоҳида шоҳ
 Ҳар тонгни кутиб, ўтган кунинг сиёми

Сенинг бахтингдир, кўрмоқ куёш туғилиши
 Гоҳ чарақлаб кулиб, ёниб, сўнгра сўнишин
 Тонг кучоғида, зулфларни ёйган куёш
 Ҳеч, билмайди, кечга келиб, хориб қолишин

Баъзан, сену-мен тамоша қиламиз, тонгни
 Гоҳ армону-орзуларда чархлаймиз, онгни
 Шодланиб кўзин очган, ҳар бир тонгимизда
 Билмаймиз қачон, чалинажак, сўнги бонгни.

28.06.10.

АЛЛАСИ БИЛАН

Ўтган кун сочларимизни безайди
 Бемаврид келган оқ толаси билан
 Ўтмишда қолган умр баъзан йиғлайди
 Қувончу-шодлик, армонли, ноласи билан.

Келинчак кутар тонгни ҳар кеча
 Дилда орзу, кўксида ҳомласи билан
 Кафтида ёнар алвон рангли, нимча
 Чокларига битилган, ажиб алласи билан.

* * *

Якинда чопқиллаб юрган жажжи кучугим
 Яккилаолмай, йиғлаган тили чучугим
 Бугун катта кўппак бўлиб қолибди
 Бўйнига тасмадан халқа илиб олибди

Илк бор ачиндим, кучукнинг аҳволига
 Сўнгак чайналмай, қийналган холига



ХАЁЛ

Учрашгандик қалин ўрмон орасида
Сибирнинг совук, қуёшсиз даласида
Чақчақлашиб дилдан, тиллашиб ўшанда
Ҳордиқ топгандик, қайин панасида.

Тиниқ осмон эслатар, кўзларинг сани
Ҳозир. Танирмикансан, гар кўрсанг мани
Ўткир нигоҳли алп қоматли йигитни
Сўрарсан. Балки! ўзимдан кўрсай қани?

8.08.12.

УЛ ЁРА

Ёшлигимда севгандим бир қизни
Гул юзли, яноғлари қирмизни
Киприклар шодаси, соя солган
Чақиндек чақнаган қора кўзни

Энди.Эслашдан нима фойда
Оху-нолам оқиб, кетган сойда
Ишқим ўлди –деб ўйлагандим
Сен, оқ либосга, ўранган тўйда.

Гар юз йил яшасанг, юз бир бора
Ўтмиш дилинг этар экан пора
Илк мухаббатинг ўраб хаёлинг
Олиб кетар сени, гоҳ ул ёра.



КЕТАОЛМАЙМАН

Девонадек, тентирайман ғазал боғида
Кўзларимни сўқир қилган, ғўзал доғида
Баъзан заминда ёлғиз ҳис қилдим ўзимни
Гул чечаклар юзин очган, баҳор чоғида.

Юлдузларга тикилдим кўзларинг кўрай деб
Оймомога эландим, юзларинг силай деб
Яйловларда, майсаларни бағримга босдим
Сўнги, нафасимда исларинга тўйяй деб.

Баъзан роса кулги бўлдим, маҳалла-қўйга
Боролмай қолдим, хатто ҳамма борган тўйга
Сочларимни сийпаб, онажоним, хар кеча
Оппоқ сочларин ёйиб толарди, гоҳо ўйга.

Онамни сочларидаги оқ толаларда
Шоир ўглининг ҳам ажиб ҳиссаси бордир
Кўз ўнгингда вояга етган болаларда
Тақдирнинг битилмаган бир қиссаси бордир

Кечир! —мени онажоним, сирим айтолмайман
Ғазал боғига кирдим, энди қайтолмайман.

19.08.12.

ҚОЛМАГИН ЯНА

Гулдасталар туздим сен учун атайлаб
Тунларим бедор ўтди, йўлларинг пойлаб
Гулларнинг шодасидан, ажратиб олдим
Муҳаббат исмли сендай гулни сайлаб

Тикиламан хар тонг, сенинг нигоҳинга
Гард юкмасин дея нозик дудохинга
Қанчалар кутсам тонгни шунчалар ширин
Оллоҳ!-гувоҳ —олсин ўзи паноҳига

Кел! жоним келгин, бағримга бир босайин
Илк бора висол шарбатига тўйин
Қолмагин яна, армон туфонларида
Ҳаётнинг тиним билмас бўронларида.

9.08.12.

СИНФДОШЛАР УЧРАШУВИ

Бугун учрашди яна унсиз юраклар
Шодликдан япроғин силкиди тераклар
Эслашиб, синфдошлар ёшлик онларини
Хаёжонли дамлардан, титради юраклар

Боқиб уларни гўзал кўзи-қошига
Баҳо бермоқ истаб, ўтган ҳар ёшига.
Ўйладим. Умр не савдолар солди экан
Оппоқ қорга бурканган азиз бошига.

Ўйладим, ўғил-қизлари нечта экан
Қай бирлари келин-куёв кўрган экан
Ёр-ёр деб эшикдан, кирганда янгалар
Қай бирлари келинлигин ёд этган экан.

Қани ҳаммаси, ёшлигига қайтсалар
Қувониб зулфига тол попух тақсалар
Эшикни очиб, қўлда китоблар тутиб
Марҳум устозлар бу дунёга қайтсалар

Э!- Ҳа-е! нималарни мен хаёл қилмадим
Ишқ бобида не савдоларни кўрмадим
Илк бора муҳаббат домига тушгандим
Лек! ул қизга муҳаббатим баён этмадим.

Балким илк муҳаббатим тақдир ҳазили
Турли томонда экан висол Манзили
Тоҳир, Зухра, Лайли-ю Мажнун – во – Ажаб!
Ёшлигимизнинг ўтгувчи бир ҳизили

Кўзларим намланди, кўриб сизларни
Аллоҳга шукр, учраштирди бизларни
Қани! – бўлганда эди ҳозирги ақлим
Сочларин тортиб, йиглатмасдим кизларни

8.09.12 й.



НИДО

Сабоқ бериб эзгуликдан шоҳ Улуғбек
- Деган, экан яхшиликдан бир ниҳол эк
Ёш ниҳолларинг кўкласин замин узра
Ҳатто ўғилларим бўлганида ҳам бек

Бир дам жаҳолат гирдоби, шитоб айлаб
Ўғлин тортибди қаърига кўзин бойлаб
Шамшир тутиб қўли қалтираган ўғил
Ўлдирибди отани билмадим нимани ўйлаб

Отани бўйнига тушганида ўткир тиг
Олам узра таралган экан товуш-иг!
Бу қонхўрликка гувоҳ бўлган экан ой
Қизил рангда оккан экан, ўшанда сой.

Амалу тожу-тахт, бевафо бойлик
Кетганди ўғилдан, бўлиб олти ойлик
Гирбонидан олганда ўлим панжаси
Ёрдам беролмаган экан беҳисоб бойлик

Боболар айтгандек бойликда вафо йўқ
Ўзинг оч бўлсангда, кўзларинг бўлсин тўқ
Умрни ўтказма ҳасадга, қул бўлиб
Умр, гўё камондан отилган ёлғиз ўқ

Фикримни этолган бўлсам тўғри баён
Қолгани, ўқувчим бўлсин сизга аён.

25.08.12.



ЗУЛФИДОРИНГ

Тўлин ойнинг сутдек юзидан
Олганми андоза, юзларинг
Юлдузларнинг ёрқин кўзидан
Олганми пардоза, кўзларинг

Гулирайхоннинг муаттар исидан
Тонг елининг унсиз сасидан
Жаннат гулларининг тусидан
Олганми пардоза зулфларинг

Таърифга қоматинг, ожиз сўз
Ожизликдан, ёшга тўлар кўз
Учрашганда берсанг салом
Бўғизга жон келар, келмас калом

Томчидек, яноғда юмалаб
Лаъли лабингда тин топайин
Ишқ шаробига таънади раб
Қўймагин, жондин ортиқ талаб

Буюр. Ҳукминга мунтазирман
Имзо, қилсанг ҳозир-нозирман
Чорласанг боғбонинг бўлайин*
Зулфи-дорингда мен ўлайин.

25.08.2012 й.

* * *

Самарқанддан, Ургут томон юргансиз
Бир қабр бор, агар билсангиз
Одамлар дер, ётар бунда «падарқуш»
Яқин йўламас хатто қўкдаги қуш.



БЕШИК

Бугун ёшлигимни қўйнимга олиб
Бир нафас қолдим чуқур ўйга толиб
Ўзим ётган, бу бешикни тебратим
Бағрига жажжи набирамни солиб.

Уммонда тебранган кемадек бешик
Аста тебранар, ёпилганда эшик
Тим соя солиб, киприклар шодаси
Қўйнида ухлар, боламнинг боласи.

Қўз-қошларига, тикиламан тўймай
Бағримга босгим келар, қўлдан қўймай
Лаблари қимирлаб, кулиб қўяди
Бобоси тебратиб турганин билмай.

Унга тикиламан, бобомни ёдлаб
Қанд-қурс берган энамни қўмсаб
Балки рухлари шодлангандир бу он
Мени катта қилган бешикни эслаб

Ўйлаб ўйим-тагига етолмайман
Ул бешиқдан, нарига кетолмайман
Аста тебранар бобом олган бешик
Ўингшиб очилар энам суйган эшик.

24.08.2012.



ЭҲ, ЁШЛИГИМ

Зулмат маликаси зулфин ёйганда
 Қора зулфи ортидан, ой бокқанда
 Баъзан, ёлғизлик юрагим эзганда
 Эҳ, ёшлигим! — билсанг, сени эсладим.

Қачонлардир, қўйнингда чопиб юргандим
 Оёқларимдан, тиконлар тергандим
 Гоҳон, ухламай юлдузларга боқиб
 Ғузал Янгаларга, ҳавас қилгандим.

Қарасам сочларимни қор босибди
 Ёшлигим олис ўтмишда қолибди
 Мени шайдо этган ёрқин юлдузлар
 Фариштадек ғузал, момо бўлибди.

Мунис момоларга, нигоҳим тикиб
 Билсанг. Эй ёшлигим. Сени эсладим.

28.08.2012.

ОВОЗ

Илк бора ҳис этдим оғриқни
 Шошганимдан тополмай чориқни
 Юрагим сиғмай ўз оламига
 Қўрмай қолдим бир нафас борлиқни

Ким шоду — ким хуррам, кимларда ғам
 Ҳаммасини битолмайди қалам
 Нигоҳини тикиб, қўмак истаб
 Оловда ёнар набира болам.

Мистқларидан сизган қўз ёшини
 Қалбим қўри ила, артмоқ бўлдим
 Набирамни шод кулгуси учун
 Билсангиз! жонимни бермоқ бўлдим.

Шу дамда ғойибдан келди овоз
 Сирли сатрларга тўлди оқ қоғоз
 Хасталанган болам, очиб қўзин
 Бобо — дея шод, чиқарди овоз.

18.08.2012 й.

ИШҚ ДОҒИДА

Атиргуллар термоқ бўлдим севги боғида
 Ўн саккиз ёшимда, айни баҳор чоғида
 Ўшандан бўён неча ой-ю йиллар ўтди
 Лек! ҳамон ёнар юрак муҳаббат доғида.

Қай бир куни кўрдим, сени тўсатдан яна
 Эсимдан чиқмаган сени, йўқотган сана
 Келинчаклик либосига ўранган кунинг
 Куёвинг бўлмиш, сўйган эди, катта тана.

Бутун қишлоғимда базм, тўй-у шодиёна
 Кимдир сахарда келтирар тўн-у, тўёна
 Наволар ноласи эзиб қалбим, йиғлардим
 Айтолмай дардим ҳеч кима, ёна-ёна.

Нима учун бугун сени яна эсладим
 Тошдек қотган хаста юрагимни доғладим
 Ракибим ўлимни қўли баланд келмоқда
 Рухсоринг кўрмай, ўлмасликка аҳд боғладим.

АЙТГУМ КЕЛДИ

Тинч юрган эдим набирамни боқиб
 Бобо – деган лутфига селдек оқиб
 Ўтган куни, нега учрадинг яна
 Кул бўлган оловни, қайтадан ёқиб.

Яна ёдга тушди ўтган кунларим
 Ҳижронда бедор ўтказган тунларим
 Тонг чоғи чиққан қўёшдан уялиб
 Кўзларим кафтим-ла ёпган онларим

Зимдан, тикилдим беҳос кўзларинга
 Нақшин олмадек ёнган юзларинга
 Билсанг, интизорман ҳамон биргина
 «Севаман» - деган ширин сўзларинга.

Меҳрим жўшиб, ёнингга боргум келди
 Ўн саккизда, ўзимни кўргум келди
 Муҳаббатим – меҳрга айланганин
 Қўлоғинга пичирлаб айтгум келди.

МИНБАР

Минбарни ҳеч кимга бермай сўзлар ногик
 Сўзида оламни элга, этар тортик
 Тинмай – элим! – элим! дейди телбаларча
 Гар тингласанг! ҳеч бир сўзида йўқ мантиқ.

Пиёлада сувни ичса қулт этади
 Атрофга боқиб кўзи йилт этади
 Амал курсисига ўтирмоқни ўйлаб
 Амалдорлар ёнида пилт-пилт этади.

Сўзида буюк зот, аламли жафокаш
 Ўтган барча зугумларга берган бардош
 Халқим деса «Халқум» дегандай бўлади
 «Халқум»-учун четдан кидиради қардош.

Мард йигитлар жимгина боқиб туради
 Қалба ватан чироғин ёқиб юради
 Шу сабаб, минбар уларни чорламайди
 «Сафсатабоз»лар уларни тингламайди.

ҚУЧИШДИ

Сигмай қолсам агар шаҳарга
 Қучоғин очар қишлоғим
 Чорлайди барчани хашарга
 Ёшлигимни кўрган ўтлоғим.

Қўй-у-қўзилар маърашади
 Киприк остидан қарашади
 Сигмай қолдингму-шаҳарга
 -Дея!, қўшнилари сўрашади.

Гапир кани, шаҳарда не гап!
 Шаҳар, нега берди сенга чап
 Нима учун бундай бўлганин
 Қўшнилари, ўзларинг ўйлаб топ.

Добон-сураман чуқур ҳаёл
 Наҳот ҳеч ўзгармаган хиёл
 Бир зумда хаммаси қучишди
 Сўнгра, даласига учишди.

Мана шундай қишлоқ ҳаёти
 Бирдам, чалинари умр баёти.

10.11.2012.

КУЗ

Куз шамоллари ўлкамда кезар
 Хазон, япроқлар самода учар
 Кеч куз заминда бирдай ўйноқлаб
 Дилда армон бўлган, ёрни қучар.

Шамоллар билан сўйлашай десам
 Лабларимда қолди унсиз сасам
 Демок бўлиб шамолларга бир сўз
 Бир нафас жикқа ёшга тўлди кўз.

Қани энди шамоллар-ла учсам
 Жималак сочли ул қизни қучсам
 Айтсам, айтолмаган Муҳаббатим
 Сўнгра, орзу-армонимга қайтсам.

Эҳ! –қани энди шамолдек учсам.

РЎЗҒОР

Жоним, қийналар айтолмай дил розини
 Тутолмай қолди, рўзгордек тарозини
 Баъзан чуқур ўйга толаман куну-тун
 Билолмай ким рози-ю, ким норозини.

Айтинг менга, тугунни, борми ечими
 Тарозини бузган, ўшал ёр сочим
 Нима учун сезмас эдим авваллари
 Ёки нозиклашганми юрак кечими

Юрагим санчийди, гоҳ ҳаво етмасдан
 Зулмат ўрайди, хофиз наво чалмасдан
 Вужудимни қамраб олди олов, аланга
 Рўзгор деган сўроққа ечим топмасдан.



ТОНГ ШАМОЛИ

Қулоғимга пичирлаб тонг шамоли аста
Қучоғига олди, Шайдо айлаб бирласта
Лабларимга — лабларини босди субҳидам
Яноғимни чимдиб, эркаланди оҳиста.

Умрим бўйи кутдим тонг шамолини зор-зор
Шўх кўзларим, йўлларига бўлди интизор
Қунлар, тунлар, ойлар ўтди, Лекин қайтмади
Балким, келиб бўса олишга этгандир ор.

Ўшандан буён қалбим эгаллади ҳижрон
Унсиз, тақдирий — азал, этади имтихон
Қўнғлимни ҳушлаган, зулфим силаган шамол
Тутиб бўлмас бир сароб-у ушалмас армон.

МОМОҚАЛДИРОҚ

Шавқатсиз момоқалдиروқ аёвсиз қамчилар
Либоссиз ниҳолларни босганда мудроқ
Менинг кўзёшларимдек томган томчилар
Йўлак узра ёйилганда, гўё бодроқ.

Еру-кўкни титратиб момоқалдиروқ
Кун бўйи роса кулди қаҳқаҳа отиб
Қаҳқаҳадан ўйғонган оловли чакмоқ
Гўё, заминни юборай дейди ютиб.

Қуртак отган япроқларни зулфларин силаб
Яйловларда, илондек буралар шамол
Ҳеч тўхтамасдан чорлаб мени қошига
Водийлар кўксига ёйиб сепин, гулрўмол.

Ҳосил уруғин қадаб улгурмаган дехқон
Кўкга тикилар, қўлда кетмон, белда нон
Бесабр момоқалдиروқ қаҳқаҳасидан
Уфқнинг қош-кўзларига қуйилди кон.



АТИРГУЛ

Атиргулим муаттар исларинг сочгин
Баҳор келди, кел! Энди юзларинг очгин
Зулфларинг товлансин, ой нурида
Жон олувчи, гўзал кўзларинг очгин.

Киприкларинг соя солсин нигоҳинга
Япроқларинг безак бўлсин дудоҳинга
Олам аҳли ошиқ бўлса қоматинга
Богбонинг ман деб ташриф этай даргоҳинга

Интиқман кўрмоқка камолинни
Кўз-кўз қилгим хусни-жамолингни
Неча куну-тунлар кутдим ушбу кунни
Дариг-тутма! мендан бир саломингни.

3.03.2011.

ЁРИМА АЙТИНГ

Зулфларимни ўйнаган кузги шамоллар
Бориб айтинг ёримга тириклигимни
Хеч ким билмаса ҳам ўтган йиллар билар
Ўзим учун ўзим, ўта буюклигимни.

Лабларимда қуримаган бўсалар таъми
Йил ўтган сайин эзар армонлар ғами
Лабларингда, лабларимни бир ўчи бор
Барбод бўлган муҳаббатнинг кўчи бор.

Тўхтанг! –шамоллар бир зум тингланг охимни
Шавқатсизларча эзманг, ёлғиз моҳимни
Кўрайин бир бор олисдаги ойимни
Шодланиб ёпай зулфи узра шойимни

Айтсам!-Равшанни муҳаббатда ўчи бор
Ололмайман деган! қалбда чўчи бор

8.11.2014.



КЕЧИККАН ҒУНЧА

Самода юлдузлар, совуқ қотганда
 Оймомо заминга маъюс боққанда
 Қарғалар қағиллаб, қанот қоққанда
 Қор маликаси шод, зулфин ёйганда
 Юзинг очдинму, кечиккан ғунча.

Тонга қадар тинмай ёмғир ёққанда
 Томчилар йўлакда ях қотганда
 Яйловларни олпоқ қиров босганда
 Одамлар печга ўт-олов ёққанда
 Кўзинг, очдингни, кечиккан ғунча.

Япроқларинг тўкилиб хазон бўлганда
 Қоматинг титраб либоссиз қолганда
 Ялонғоч танангни аёз кучганда
 Бутун борлиқ жим, хижрон босганда
 Юзинг очдингму, кечиккан ғунча.

Нега кечикдинг, ғафлатда қолдингму
 Мени кўрмоқ бўлиб кузни кутдингму
 Ниғоҳинг тикдинг, ниғоҳимга маъюс
 Ракибинг, Вақт эканлигин унутдингму.

1.11.2012.

ОНАЖОНИМ

Олпоқ сут бериб, мени боққан
 Пеёнама силаб дуо! қилган
 Кўзларимга, қувониб боққан
 Онажоним сиз омон бўлинг!

Сафарга кетсам йўлга боққан
 Чой берайин деб, тезак ёққан
 Қадок кафтида, нонлар ёпган
 Ғаниматим, сиз омон бўлинг!

Юзига қўра куя текган
 Оқ рўмоли заминни ўнган
 Қулиб боқишга куч топган
 Омонатим Сиз, омон бўлинг!

Фариштадек оқ нурга тўлган
 Соч толасига, дардим йиққан
 Ҳар боласига бирдай боққан
 Мехрибоним, сиз омон бўлинг!

9.11.2014.

* * *

Асо ҳам; Насиб этар кимгадир
Қувват кетса, доимо биргадир
Нимжон, қалтираган оёқлар эса
Ассо билан жуда ҳам йўргадир.

ЖИЯНИМ ЭГАМҚУЛОВА ИРОДАНИНГ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР ВАТАНИМ

Юртим, гўзал боғларингни
Қўкка таянч тоғларингни.
Зардан қиммат тупроғингни.
Дилимдан куйлагим келди,
Хумони кўндириб бошга.
Элингни чақирдинг ошга.
Қўлларим чўзиб қуёшга,
Дилимдан куйлагим келди
Осмонла буйлагим келди,
Темурдан қолган давроним,
Бобурдан қолган армоним,
Кубро қўлида байроғим
Дилимдан куйлагим келди.

НАФС ҚУРБОНИГА АЙЛАНМА

Ҳамма бу дунёда ёлғиз,
Нафс улар учун ялмоғиз.
Нафс инсофинг олар шаксиз,
Нафсига қўллар виждонсиз.
Виждоннинг олдирма инсон
Нафсинг мисоли бир шайтон
Танангда айланаркан қон,
У ҳам айланар бегумон.



КЕЛ БИР БОР

Икки кўзим йўлингда зор,
Бу қалбим сенга интизор.
Келгин бир бора илтимос,
Охиргиси, охирги бор.
Сендан ўтиниб сўрарман,
Қуиларим ойга уларман
Қалб оғригудан йиғларман
Келгин бир бора илтимос
Йиғлаяпман кўзда ёш йўқ,
Қуляпман қалбда қуёш йўқ.
Ҳижрон дилга санчилган ўқ,
Келгин бир бора илтимос.

ТУН

Қуёш кетди бошин олиб,
Зулмат келди сочин ёйиб,
Қошдек ой чикди осмонга
Юлдузлар сочиб ҳар ёнга,
Ел эсар гулзор оралаб,
Турфа гулларни саралаб
Япроқлар куй чалар майин,
Ой ўйнар куйланган сайин.

ТОНГ

Қуёш аста кўтарди бош,
Оловли кўзин ишқалаб,
Ой келади учириб қош,
Юлдузин ширин эркалаб,
Оқармоқда қора парда,
Офтоб бошдан сочди нурин,
Уйғониб ҳар саҳар тонгда,
Томоша қилгум, жамолин.



САМОВИЙ ИШҚ

Ох муҳаббат, тақдир мунча бешафкат,
 Наҳот бирга бўлса бўлмасди улар.
 Ҳаёт бунга қилоласанми тоқат,
 Уларни кўриб, ҳатто ҳижрон йиғлар,
 Ахир бу қандайин муҳаббат бўлди.
 Бегубор ёшлиқдан кўз ёш, дард, алам,
 Наҳот-ки қиз наҳот гулдайин сўлди,
 Яна эски хотир, ўша азоб — ғам.
 Бунга чидай олмай бақирар денгиз,
 Қанча кўзларда ёш, дилларда титроқ
 Ўртанма дейди йигит бағрида қиз,
 Бир умрлик абадий эмасдир фироқ.
 Рухим севгим сен билан бирга мангу,
 Маҳзун куй янграр, юраклардир мушфик,
 Бутун фазога таралган севги бу,
 Само айтган, ҳақиқий самовий ишқ.

СОҒИНАРМИКАН...

Йиллар ўтиб, ўчса умр чирогим,
 Ҳеч қачон нур сочмаса қарогим.
 Тупроғ бўлса ўртоғим мани
 Эҳ эслармикан мени қарогим
 Олис фазолардан бокса руҳим
 Хотиралардан ўчса-да, исмим

Унитса мени бу ёлғон ҳаёт,
 Ортда қолганим этармикан ёд.

СИЗ..., ...

Иккимиз доим бўлайлик бирга,
 Қалблар топишса айрилмоқ нечун.
 Сирлар айтмасак-да, кенг саҳрога,
 Мен Лайлидирман, сиз эса Мажнун.
 Бу қизлардан қизғонаман сизни,
 Қолдирманг этиб кўзларим хомуш.
 Алишманг Зайнабга сира мени,
 Гўёки, сиз Отабек, мен Кумуш,
 Майли сандиқда оқманг, дарёда
 Биз бахтли бўлсак, бўлдида охир.
 Жабрдийдалар ҳам озми дунёда,
 Асли мен Зухродирман, сиз Тохир.

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Мен дунёни кўрдим, баҳорда,
 Сокин оққан ўша анҳорда,
 Тилак этиб эрта наҳорда,
 Бугун ҳамма мендан безорда,
 Биров айтар жуда безори,
 Эҳ бўлмаса бунчалар шаддод
 Юрагимизнинг асл озори,
 Савол-жавобидан дегум дод,
 Лекин онамга бир эркаман,
 Ҳаётда ўрнимга эгаман
 Танлаган йўлимдан кечмайман,
 Орқага сира ҳам қайтмайман,
 Ўлим олди ҳатто кулгайман,
 Ғанимларга ҳеч бош эгмайман.
 Ҳаёт шундай тарбия берди,
 Гоҳо қанд, гоҳо панд едирди,
 Барибир таъсирин билдирди.

КИШ СОНАТАСИ

Кўкдаги юлдуздан кўзларингни излайман,
 Янграган куйлардан сўзларингни излайман,
 Ҳатто тушларимда юзларингни излайман,
 Чунки мен сени чиндан жуда соғинганман
 Ўша тўлин ойдин кеча ёдимда ҳамон.
 Майин учган оппоқ лайлак қор парчалари,
 Бугун бўлса бир ширин туш барчаси тамом.
 Энди ундай гўзал учмас қор зарралари,
 Унсиз умрим ўтмоқда секин, йўллар узун,
 Ўша онлар янграган дилнинг хуш нотаси,
 Бу хун маюс кўзларинга бокқанча махзун
 Дейман янграмоқда, мунгли киш санатаси.

КАПАЛАК

Эҳ оҳиста учган капалак,
Сенингдек нозик учгум келди,
Армонга тўла бу дунёда,
Асл орзуларни қучгум келди.
Ўзалсан бунчалар капалак.
Учарсан чиройинг этиб куз.
Қанотинг товланар камалак,
Таърифлашга ожиз хатто сўз.

ОИИ ва СКХК 2-талабаси
Эгамқулова Ирода.

ХАСТА

Деразадан тушган шуълалар
Вақти келиб балки ўчади.
Дилда сақланган нолалар
Вақти келса тилга кўчади.
Ёғилади мисоли ёмғир
Қогозларга дардимиз аста
Оҳ, ёлғизлик бунчалар оғир
Бу оғриқлардан диллар хаста.



ТОҒАМ Ж.РАЖАБОВ

ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАДИМ

Кетдингиз-ку, бир дарёдек тошиб,
Яшадингиз кучли олов ичра,
Баланд-у-паст, довондан ошиб,
Сиз ёққан гул ўчмади сира.

Кетдингиз беш фарзанд қолди йиғлаб,
Қўқларни тутди, уларнинг охи,
Рафиқангиз турур багрин тиглаб,
Ҳаётига қўшилгандек оғу.

Қариндошлар – юраги куяр,
Туришарди қўзларини ёшлаб,
Қасбдошларингиз қалбини тилар,
Сизсиз мактаб ҳам қолди ҳувуллаб.

Тўй – ҳашамда бизга бош эдингиз,
Барча сардорлага сардор эдингиз,
Нечун! тоғажоним, ёш кетдингиз,
Яқунланмаган бисёр ишингиз.

Қўрмадингиз дилбандлар тўйини,
Қўтламадингиз ютуқлар билан,
Қўрмай неvara гўдак бўйини,
Бизни тарк этдингиз, армон билан.

Янгам бош қўяр ёстикқа ёлғиз,
Қўз ёшларидан ҳўл бўлар болиш,
Эҳ сен бешафкат тақдир – ялмоғиз,
Ахир бу қандайин ҳаёт кўриш.

Қунда минг марта ўлиб тирилар,
Ёнида йўқ-ку, ҳаёт суянчи.
Қалбини доим бир дард кемирар,
Ёлғиз ўзи фарзандлар таянчи.

Сизнинг суҳбатингиз дил қўмсади,
Қаримбой бобом кўрмоқ истади
Мангуликни тушунмай Комила
Рухингизни ёд, этиб йиғлайди.

ИИ ва СКХК 2-талабаси
Эгамқулова К.

* * *

Дилимда алам, кўлда калам,
Қоронғудир менга бу олам
Кўз ёшим бармоғига сураб
Мен суймаган, севмаган холам.

* * *

Оловга отдим юрагимни
Куйиб кул бўлсин дея чўғда
Билолмадим ох керагимни
Кўрмадим ўзни ундаги туғда

Қарғишларим борсин у томон
Киргазсин бевафо ақлини
Севгим эса асрасин омон
Аллоҳ берсин гўзал бахтини

Майли ёнай рашким ўтида
Не бало бўлса ҳам мен бўлай
Бу дунё санокли чўтида
Уни доим бахтиёр кўрай.

СОҒИНДИМ

Мана бугун мен сени соғиндим,
Олдиндан оққан сувни қадри йўқ,
Сўзига яна бир бор ишондим,
Хамон қалбимда сен ташлаган чўқ.



ЎЗ УЧУН ЯШАДИНГМИ?

Илк бор ташлаганимда кадам,
Кўзларингда порлаган кўёш,
Йўл олганимда мактаб тамон
Кўзга олгандинг қувончли ёш,
Она мен сенга берай савол
Жавоб бер онажон илтимос,
Келмасин сенга ҳеч ҳам малол,
Ўз учун бир он қувондингми?
Намики топсанг болам дединг,
Сен отам, сенсан онам дединг,
Биз шодон эдик, сен ҳам единг,
Ўз учун бир он қувондингми?
Бахтли онлардан ўзни тийдинг
Неки бўлса боламга дединг,
Ўз учун бир он қувондингми?
Мана ўтди йиллар тўзони
Тилакларинг айтгин онажон,
Ҳаётимнинг шоҳу-султони
Бахтли ўтсин умринг ҳар они.

ТЎРТЛИК

Ҳаёт уммондир,
Мен бир томчиман.
Хасад ёмондир
Унга қамчиман.

* * *

Мен ушладим оддий қалам,
Бу қаламда кўпдир алам.
Урушди ёзма деб онам,
Бегубор чексиз бу олам
Тушунмайди буни онам.

* * *

Мен сўйладим меҳр-ла онамга.
Шеърый дардим айтдим холамга
Леж алар тушунмайди хайхот
Энци ишонаман ўзимга.

* * *

Келажакда бўлсам шоира
Шеърлар ёзсам она халқимга.
Қувончимга тўла бу қалбим,
Таъзим қиламан халқим сенга.

* * *

Ривож топсин ишинг,
Қўзда кўрмай ёшинг.
Омон бўлсин бошинг
Деган сиз онажон.

* * *

Ҳаёт қийин ва осон,
Қанча тўсиқлар учрар,
Бахтли яшамоқ учун,
Енгмоқ тақоза этар.

ОИИ ва СКХК 2-талабаси
Эгамкулова Ирода.

БОБУРНИ ИЗЛАБ

Андижонда порлаган юлдуз,
Ҳиндистонда бўлсада машҳур
Муҳаббатни айлаган кундуз,
Юртни қўмсаб йигларди Бобур.

Юртлар кезди сарсон-саргардон
Йўл олди диёри Ҳиндистон,
Талпинди она Ватан тамон,
Юртни қўмсаб йигларди Бобур.

Осмонга термулганча махзун,
Ҳаётида борми ёруғ кун.
Айрилиқ узоқ ҳижрон узун,
Юртни қўмсаб йигларди Бобур.

Умри ўтди мисли зимистон,
Дардин тутиб қалбида пинҳон,
Андижони бўлган зўр армон
Юртни қўмсаб йигларди Бобур.

БАХТИМ

Ўтар йиллар, ёшлар кўзларимни,
Унсиз йиғлатганча муҳаббатим,
Етказай сизга дил сўзларини,
Сизни севганимни ўзи бахтим.
Сиздан менга ҳеч нарса керакмас,
Бахтдир сизни бахтли кўрмоқ фақат,
Дунёда ишқдан олингиз нафас
Ишқсиз инсонни ҳеч ким эсламас.

ХАЛҚ НОМИДАН...

Кузатдим сизларни ўғлонларим,
Қўш-қанот баҳодир, қалқонларим,
Улуғ ватаннинг жанг майдонида,
Эл дардига бўлган дармонларим,
Озодлик учун, қонлар кечдингиз,
Юртингизданмас жондан кечдингиз,
Жанг майдонида жон берар чоғ, ҳам
Хаёлингизда халқни кучдингиз,
Оҳ, нола этдим, келса қора хат,
Бошимда бор эдими бу кулфат,
Эй маълун қонхўр қотил, фашистлар
Барча сенга ўқир бу кун лаънат.
Ўғилларимни тортиб олдингиз,
Ғам кўрмас, кўзларга ғам солдингиз,
Шаҳид кетган азиз фарзандларим,
Халқнинг қалбида мангу қолдингиз!

ОИИ ва СКХК 2-талабаси
Эгамкулова Ирода.

БЕКОРГА ТУҚҚАНСИЗ МЕНИ ОНАЖОН...

Бошим узра айланар фалак,
Сизга талпинмаса бую рақ.
Этолмасам эзгу бир тилақ
Бекорга туққансиз онажон...

Берган сутингиз оқламасам
Дўстим кунига яролмасам
Халқимга хизмат қилолмасам
Бекорга туққансиз онажон...

ТУҒЁН

Мен келдим, лек бир кун кетмоғим тайин.
 Ҳаёт синовии уюштиргандайин
 Ўтар кун, гоҳ май, гоҳ Захар тутишиб
 Яшаймиз гоҳ ғам, гоҳ қувонч кучиб,
 Мен келдим, лек бир кун кетмоғим тайин,
 Худди, тақдирла келишилгандайин.
 Мен келиб ётгандим ёғоч қайиқда,
 Ёғоч от минарман кетаётганда
 Мен келдим, лек бир кун кетмоғим тайин,
 Ўтиб борар кунлар, йиллар сувдайин
 Унитиларман қилмаслар мени ёд
 Лек мисраларим куйса этар фарёд.

СИЗ УЧУН ЯШАДИМ ОНАЖОН!

Бу дунёдан тўйиб кетганда
 Азоб жондан ўтиб кетганда
 Чин дунёга кетгим келганда
 Сиз учун яшадим онажон!
 Олам кўзимга тор бўлганда
 Бир чимдим ишқга зор бўлганда
 Яшамоқлик душвор бўлганда
 Сиз учун яшадим онажон!

Эгамкулова Ирода.

* * *

Муз остидаги мудроқ майсалар
 Тезроқ, баҳор исига тўйсалар
 Муз маликаси, қочди шимолга
 Бас, энди эркаликни қўйсалар

Баҳорий таомлар қайнамоқда
 Юрт, баҳор валсига ўйнамоқда
 Майсани уйғонмоқ вақти келди
 Дебон! – дошқозонлар, қайнамоқда

Ёшу-қари бирдай кутган сани
 Раҳмат! Баҳор, унутмадинг мени
 Увиллаган – Аёз шашти қани
 Сўровчи йўқ – Аёз бобо – қани.

Баҳор шундайки бир бетакрор фасл
 Жамики жонзод, қолдиргувчи насл
 Новдаларни безаган гунчалар
 Боқар шод оқ либосли гулчалар.

МУНДАРИЖА

ИСТАЙДИ.....	3
ДИЛДОР.....	3
ШУҚР.....	4
ТИЛАГИМ.....	4
КЕЛИН.....	5
БЎЛДИММИ.....	6
УМР.....	6
АЖИНЛАР.....	7
ЭЙ ДЎСТ.....	7
ЖАНОН.....	8
КЕЧИНМА.....	8
ЁМҒИР.....	9
АЁЛ.....	9
ҚОР.....	10
ДАСТХАТ.....	10
ТОНГИ РЎЁ.....	12
ДИЛ ОРОМ.....	12
ХАЁЛ.....	13
АЖАБ ХОЛАТ.....	13
ЭТМА ИХТИЁР.....	14
ЯГОНАМИЗ.....	14
КИМ УЧУН.....	15
ЁШИМА.....	15
БЎЛМАС.....	16
БИЛМАМ.....	16
ЭЙ ЎҒИЛ.....	17
АРМОН.....	17
АЙТСАМ.....	18
ЎЛДИРГИН.....	18
ОҚИБАТ.....	19
ВАФО ЭТМАЙСИЗ.....	19
КЎЩИҚ.....	20
МУҲАББАТ ЎЛИМИДАН.....	21
МУҲАББАТИМ.....	22
КОРА КЎЗЛИГИМ.....	22
НОМА ОЛДИМ.....	23
ЧИРОҚ.....	24
РАЙҲОН.....	25
ТОРИМ.....	25
УН.....	26
Ё ТАВБА.....	27
ҚИРҚ ИЛОН.....	28
ЙИҒЛАЙМАН.....	28

ҚОҒОЗ.....	29
ХАЁЛ.....	29
МУАММО.....	30
ЙИҒЛАЙДИ.....	30
УММОН ЭМАС.....	31
ОГОҲ БЎЛИНГ.....	32
ЎЙЛА.....	32
ДИЛ НИДОСИ.....	33
ЎЗБЕКИСТОН.....	33
ГУЛЧА.....	34
КЕЛДИНГ-У-КЕТДИНГ.....	34
УЙҒОНАР ЯНА.....	35
... ГА.....	35
ЯГОНА.....	36
МАКТАБИМ.....	37
БАҲОР.....	38
ЧИЗАМАН.....	38
КУЛАВЕРАДИ.....	38
СЎНГИ ҚОР.....	39
СЕНИ ЭСЛАТИБ.....	39
СЎРИ.....	40
БАҲОР КУЁШИ.....	40
ХАСТА ЭШАК.....	41
НАБИРАМ (ҳазил).....	42
ЮРТИМ УЗРА.....	42
ОНЛАРИ БОР.....	43
ОТАЖОН.....	43
II.....	44
... ГА.....	44
ЁМҒИР БЎЛДИМ.....	45
БЎЛИБ ҚОЛДИ.....	45
РЎМОЛИНГНИ.....	46
БОҚАМИЗ.....	46
ЧЕЧАК.....	47
ЧЎПОН БОЛАМАН.....	47
ҒУНЧА.....	48
КЎКЛАМ.....	49
МОҲИМ.....	49
БЎЗ БОЛАМАН.....	50
НУР ВА СОЯ.....	50
ЙИҒЛАЙДИ.....	51
ДАРДКАШ КЕРАК.....	51
БЎЛМАЙДИ.....	52
ЎЙЛАСАМ.....	52
ЎЙИН.....	53

ТОНГЛАР ОТАР.....	54
... ГА.....	55
ШАХМАТ.....	55
ВАКТИНЧА.....	56
КАПАЛАК.....	56
ИШҚ ЭМАСМУ.....	57
МАНГУ БОҒЛАНДИ.....	58
УМР НИМА.....	59
АЛЛАСИ БИЛАН.....	59
ХАЁЛ.....	60
УЛ ЁРА.....	60
КЕТА ОЛМАЙМАН.....	61
ҚОЛМАГИН ЯНА.....	61
УЧРАШУВ.....	62
НИДО.....	63
ЗУЛФИДОРИНГ.....	64
БЕШИК.....	65
ЭҲ ЁШЛИГИМ.....	66
ОВОЗ.....	66
ИШҚ ДОҒИДА.....	67
АЙТГУМ КЕЛДИ.....	67
МИНБАР.....	68
ҚУЧИШДИ.....	68
КУЗ.....	69
РЎЗҒОР.....	69
ТОНГ ШАМОЛИ.....	70
МОМАҚАЛДИРОҚ.....	70
АТИРГУЛ.....	71
ЁРИМА АЙТИНГ.....	71
КЕЧИККАН ҒУНЧА.....	72
ОНАЖОНИМ.....	72

**ЖИЯНИМ ЭҒАМҚУЛОВА ИРОДАНИНГ
ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР**

БАТАНИМ.....	73
НАФС ҚУРБОНИГА АЙЛАНМА.....	73
КЕЛ БИР БОР.....	74
ТУН.....	74
ТОНГ.....	74
САМОВИЙ ИШҚ.....	75
СОҒИЧАРМИКАН.....	75
СИЗ.....	75
ЎЗИМ ҲАҚИМДА.....	76
КИШ СОНАТАСИ.....	76
КАПАЛАК.....	77
ХАСТА.....	77

ТОҒАМ Ж.РАЖАБОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАДИМ.....	78
СОҒИНДИМ.....	79
ЎЗ УЧУН ЯШАДИНГМИ?	80
ТЎРТЛИК.....	80
БОБУРНИ ИЗЛАБ.....	81
БАХТИМ.....	82
ХАЛҚ НОМИДАН.....	82
БЕКОРҒА ТУҚҚАНСИЗ МЕНИ ОНАЖОН.....	82
ТУҒЁН.....	83
СИЗ УЧУН ЯШАДИМ ОНАЖОН!	83